


Шавкат ЖҮРАБЕК



ИККИМИЗДАН
ҚОЛГАН ХОТИРА



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Ж – 47

Жўрабек, Шавкат.

Иккимиздан қолган хотира. Шеърлар / Шавкат Жўрабек. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – 176 бет.

ISBN 978-9943-27-273-6

Шоирнинг қувончлари, армонлари, дардлари, изтиробла-ри, қўйингки, юрагидаги жамики кечинмалари унинг шеърларида бўй кўрсатади. Сатрларга кўз югуртиаркансиз, гўёки ўша қувончи, фамлари билан яшайтган шоир сиймоси қаршин-гизда тургандек бўлаверади.

Шавкатбекнинг шеърларини ўқиган китобхон айнан шу ҳолатни бошидан кечирса, ажаб эмас.

Дарҳақиқат, ҳаваскор ижодкор ўз ижод намуналаридан сараланган гулдастани илк бора ўқувчилари эътиборига ҳаво-ла этмоқда. Демак, ёш шоиримизга сиз, азиз муштариyllар-нинг эътирофи муҳим.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-273-6

© Шавкат Жўрабек, «Иккимиздан қолган хотира». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

ЎЗЛИК – АДАБИЁТ МЕЗОНИ

Ижод уммонга ўхшайди. Ижодкор эса ғаввосдек гап. Уммонга шўнғиб дур йигади. Бироқ, уммон тубида оппоқ мавжланган дурнинг ҳаммаси ҳам асл эмас. Ижодкорнинг вазифаси аслиятга эга бўлиш, яъни ўзликни топа билиш. Ана шунда ижодкор шахси адабиётда шакланади.

Шавкат Жўрабек китобини «Иккимиздан қолган хотира» деб номлабди. Иккимиз қўплик маъносида келгани шеърларидан ҳам маълум. Шавкатбекнинг шеърлари билан танишиш жараёнида шу нарсага гувоҳ бўлдим – асосий қаҳрамон мавжланиб ёнаётган юрак, атрофига илиқ тафт таратаётган қалб! Ана, иккисидан қолаётган хотиралар оқ қофозга тушаётган зарҳал хотира!

*Ишқисизларга асло қарамай,
Сени севган дилни синамай.
Сочлардаги оқни санамай –
Сев юрагим, гамга ботгунча...*

Ўзбек шеъриятигининг моҳиятини ишқ яратади. Ишқнинг поғонасини кичик ва катта олам белгилайди. Ҳазрати Алишер Навоий асарларида олий ишқ, яъни Тангрига бўлган муҳаббат асосий ўрин тутади. Олий ишқда эришиш учун, албатта, кичик оламда ҳам яшаб кўриш керак.

Бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонимиз бор! Шеър ёзаман деб қўлига қалам олган ижодкор ўзи туғилиб ўсган Ватани – она юрти ҳақида қофоз қоралайди. Ватан тимсолларини таърифлаган шоирларнинг шеърлари ранг-баранглиги эса – инсонлар қалбининг бетакоррлигидан. Шавкатбек «Ўзбекистон» шеърини қуидаги сатрлар билан бошлайди:

*Сен-ла қадру қимматим,
Ҳар еринг богу бўстон.
Ифтихорим, таянчим –
Ўзбекистон!*

Адабиётни гулшанга қиёслашади. Бу гулшанда юз очган ҳар бир гунчанинг ўз ифори бор. Ҳусну таровати бор. Ранги чиройи бор. Шундан гулшаннинг қадр-қиммати юксак.

*Тупрогини кўзга сурган бармогим,
Азал обод, азал буюк тупрогим,
Темурийдан қолган уруг-аймогим –
Шу заминга нечун таъзим этмайин?!*

Шеър – юрак дарди, дил изҳори, қалб эҳтироси. Қоғоз ва қаламга ихлос қилган шоир тунни бедор, кундузни беҳаловат ўтказишга мажбур, яъни заҳматсиз шеърият яратиб бўлмайди. Яратилган оламда ўзига хос олам яратса олмайди.

*Азал ҳалқим, абад ҳалқим ўзига бек,
Юрт боласин барчасин кўрар бирдек.
Камтариндир, камсуқумдир ва лек –
Қизлари ой, ўғли хондир ўзбекнинг!*

Шавкатбекнинг келажакда эл таниган шоир бўла олишига шубҳа йўқ. Аммо ижодда фалсафа, ўринли маъно алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун ўзбек миллий адабиётидан, дунё адабиётидан боҳабар бўлиш, барча оламлар ҳақида фикр жамлаб, мушоҳада қилиш адабиётда услугуб яратишини унутмаслик керак.

*Юсуф ХУДОЙҚУЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

ЎЗБЕКИСТОН

Сен-ла қадру қимматим,
Ҳар еринг бофу бўстон.
Ифтихорим, таянчим –
Ўзбекистон!

Авжида бунёдкорлик,
Ниятинг фаровонлик,
Ҳар кунингдир омонлик,
Ўзбекистон!

Дадилдир қадамларинг,
Юксакдир режаларинг,
Осуда кечаларинг –
Ўзбекистон!

Ютуқларинг қатма-қат,
Марҳаматинг beminnat,
Сен ҳаммадан серҳиммат,
Ўзбекистон!

Кўрк, чиройинг ўзгача,
Кўкда ойинг ўзгача,
Сенга меҳрим ўзгача –
Ўзбекистон!

Дарду фифоним ўзинг,
Назму ижодим ўзинг,
Чексиз имконим ўзинг,
Ўзбекистон!

Шоирлар мадҳ этган –
Бизницидир шу макон.
Дунёга донғи кетган –
Ўзбекистон!

БУХОРОНИ КҮРМОҚҚА КЕЛИНГ

Ҳар шаҳарнинг ўз тилсими бор,
Майли Лондон ё Париж боринг.
Бухоро номли бир шаҳар бор –
Бу диёрни кўрмоққа келинг!

Юлдузли унинг кечалари,
Хўп озодадир кўчалари.
Лолдир сайёҳлар нечалари
Бухорони кўрмоққа келинг!

Олам ичра жумлаи жаҳон,
Чўли ироқи бу – Шашмақом.
Етти пирлар тутган макон –
Бухорони кўрмоққа келинг!

Худо назар солган шаҳар бу,
Ижод тоғда ёнган машъал бу.
Мутал Бурхон айтган разал бу –
Бухорони кўрмоққа келинг!

Уста, наққош ҳар ҳунармандни –
У яратган гўзал санъатни.
Йўқлаб ҳазрати Нақшбандни –
Бухорони кўрмоққа келинг!

МЕНГА ИМКОН БЕР ҲАЁТ

Ижод йўлин излаб чиқдим,
Менга имкон бер ҳаёт!
Олисларни кўзлаб чиқдим,
Менга имкон бер ҳаёт!

Имкон бергин, қоқилмайин,
Ёлғонларга сотилмайин,
Бўҳтонларда ёқилмайин,
Менга имкон бер ҳаёт!

Фасод сўздан асра мени,
Ёмон кўздан асра мени,
Сарсон издан асра мени,
Менга имкон бер ҳаёт!

Фариблиқда фақирман мен,
Дўст деганга аҳлман мен,
Кўли очик, сахийман мен,
Менга имкон бер ҳаёт!

Топилмаса чин дўсту мард,
Юрагимни кемирса дард,
Йифласам кўз ёшимни арт,
Менга имкон бер ҳаёт!

Шеърларимни ёзиб юрай,
Шамоллардай тўзиб юрай,
Омад ичра сузиг юрай,
Менга имкон бер ҳаёт!

Ҳеч кимсадан кам жойим йўқ,
Ёмонларга парвойим йўқ,
Буюкликка даъвойим йўқ,
Менга имкон бер ҳаёт!

ЎЗБЕК БОЛАСИМАН

Қай давлатда бўлмай, қай бир гўшада,
Фуурур билан тик тутарман қоматим.
Шунда толе кулар, ишим юришар,
Ўзбек боласиман, шудир омадим!

Кут-барака дастурхондан аrimас,
Доим текис бўлар юрган йўлларим.
Юрting қадрлаган асло қаримас,
Шу юрт боласиман, шудир омадим.

Байробини ўпид кўзимга сургум,
Мадҳиясин куйлаб такрор ва такрор.
Мустақил юрт, сенинг қадрингни билдим,
Ватан тинч-омондир, шудир омадим.

Алпомишлар ўсган заминим менинг,
Навоий, Бобурлар гурурим менинг.
Айтайин сизларга шу сўзим менинг,
Халқим боласиман, шудир омадим.

Ватан туйғусидан дил илҳомланиб,
Юртим хизматига ҳар дам чоғланиб,
Ҳар гулу райҳонга меҳрим боғланиб,
Шу юрт боласиман, шудир омадим.

ЎЗБЕКНИНГ

Халқи учун, юрт учун қилган меҳнат,
Уйи тўла буғдою дон ўзбекнинг.
Қадрдону меҳмонга чексиз ҳурмат,
Тандирида обинондир ўзбекнинг.

Азал ҳалқим, абад ҳалқим, ўзига бек,
Юрт боласин барчасин кўрап бирдек.
Камтариндир, камсуқумлидир ва лек –
Қизлари ой, ўғли хондир ўзбекнинг.

Донолар ҳикматин дилига солган,
Меҳнат-ла топганин ҳалол деб билган.
Юрт тинчлигин кўзга тўтиё қилган –
Кўнгли тоза, иймони бут ўзбекнинг.

Ниҳол экиб, қўлларда қадоқ қотган,
Ҳосилини териб роҳатда ётган.
Тупроғини элаб обрўйи ортган –
Тупроғи зар, шуҳрати зўр ўзбекнинг

Ватан дарахт бўлса, меҳри илдиздир,
Жасур ва мард ўғлонлари тенгсиздир.
Ўз юртига садоқати чексиздир –
Ватан учун кўкси қалқон ўзбекнинг.

БОЛАЖОН

Бир жилмайиб қўйсанг, тасаддуқ бу жон,
Чопқиллаб келганингда қучогим ёзай.
Баҳордан гул сўраб сени болажон –
Бойчечакка ўраб, бағримга босай.

Термулиб қарашинг бунчалар ширин,
Кўзларингга қараб яйрайди дилим.
Жажжи қўлларингдан тутибоқ қўлим –
Бармогингдан ўпиб, бағримга босай.

Сен бор учун мен ҳам борман дунёда,
Уйим ёруғ, баҳтим бутун – зиёда.
Елкамда опичлаб, юриб пиёда –
Юзларингдан ўпиб, бағримга босай.

Айланайин ҳар қадаминг, изларингдан,
Ўргилайин момиқдайин юзларингдан.
Ўргилайин «дада» деган сўзларингдан –
Аламлардан тўсиб, бағримга босай.

Кўзда қувонч ёши келар сен кулсанг,
Томиримда қон югуар сен кулсанг
Бехавотир, қучогимда ухласанг.
Меҳрим билан ўраб, бағримга босай!

НАСИБ ЭТСИН

Күтмоқ дегани – ёнмоқ,
Майли, ой, йиллар ўтсин.
Суйганига ёр бўлмоқ
Ҳар кимга насиб этсин.

Елкалари тон сифат,
Ўғлонлар бахтга етсин.
Ой, сулувлар ҳар бир кас –
Мардларга насиб этсин.

Чимилдиқда йўлаклар –
Ҳар қизга бахт келтирсин
Фарзанд қўриб, аллалар –
Айтмоқлик насиб этсин.

Хизмат қилиб чин, ҳалол,
Эл ичра топсин камол.
Зўр омад, бахту иқбол
Фарзандга насиб этсин.

* * *

Киприкларни қоқиб, мастона боқиб –
Иккимиз ҳам бир хил ўйлашар эдик.
Учрашганда кўзлар чақмоғин чақиб –
Сирли нигоҳ билан севишар эдик.

Кўзлар бир-бирини сўзсиз тушуниб,
Таржима қиласади юрак нидосин.
Севгидан сўз очмай томоқ ютиниб –
Лаблар титраб, ошкор этар ҳаёсин.

Кўришганда иккимиз ҳам тил тишлаб,
Айта олмас эдик кўнгил розини.
Йўл-йўлакай оҳиста қадам ташлаб –
Қоралаб чиқардик дил қофозини.

Севгимиздан соф туйғу йўқдай гўё,
Орзуимиз чексиз, ўзига хосдир.
Бизни гумроҳ этган бу шарму ҳаё –
Кумуш ила Отабекдан меросдир.

ЁЛФИЗ ЎГИЛ БҮЛИБ

Ёлфиз ўғил бўлиб сизни қийноқлаб,
Зор қолдириб юрган менман, онажон.
Шабнамларни йифиб кўзга – ирмоқлаб –
Йиглаган сиз, кулган менман, Онажон.

Меҳр бериб, меҳр кутиб юз гулдан,
Хабар олмай ўғилга зор кўнгилдан.
Бир меҳрсиз, юраги тош ўғилдан –
Куйган сизсиз, кулган менман, Онажон.

Уқалашга ярамадим қўлингизни,
Фанимат билмадим мен сўзингизни.
Меҳримга зор этиб яна кўнглингизни –
Бузган менман, куйган сизсиз, Онажон.

«Рози бўлинг ўглим, она зориздан,
Хотирамни ёдда туting, болажон»
Дея юрагимни ўйган чофизда –
Кулган сизсиз, йиглаган мен, Онажон!

Дунё титрар, бугун менинг ноламдан,
Лола унди қўксимдаги ярамдан.
Қайтмасмикин бу савдолар боламдан?
Фурбатларда қолган менман, Онажон!

БУ ДУНЁ

Кўзларимнинг жоласини тупроққа қориб –
Зор йиглатиб, зорлар ичра мени ахтариб.
Зулукдайин пайпасланиб, томирга ботиб –
Қонаримнинг ширасини сўрган, бу дунё.

Шеъриятда тенгсиз бўлган сўзга моҳирни,
Капалагу қизғалдоққа ошно ҳур дилни.
Юрагини тилка пора этиб шоирни –
Муҳаммаднинг шеърларида қолган, бу дунё.

Қодирийнинг хатосини кутиб ўтганлар,
Ёниқ дилли Усмонининг бошин еганлар,
Ўзларидан из қолдирмай ўтиб кетганлар –
Сотқинларнинг юзларини кўрган, бу дунё.

Она халқим бўғини – банди-бандисин,
Адабиёт устуналари, ёшу қарисин.
Ўттизинчи йилларида юрт адиларин –
Етмиш икки томирини узган, бу дунё.

Енгилмас куч, идрок билан ҳайдаган ёвни,
Байроқ қилган кўкси узра ёнган оловни,
Авлодлари унутмаган юраги довни –
Шоҳ Темурнинг изларини кўрган, бу дунё.

Ўз боласин Ватанидан олисда тутиб,
Хаста дилнинг малҳамидек ғазаллар битиб.
«Жонга жафолиф бўлди», деб мисралар битиб –
Шоҳ Бобурнинг армонига гувоҳ, бу дунё.

Дилни дарё томон бошлиб, сувсиз қолдириб,
Ошиқларнинг саҳросида ёлғиз қолдириб,
Айрилиқнинг оловида ҳануз ёндириб –
Шавкатнинг ҳам юрагини эзган, бу дунё.

АКА-УКАЛАР

Бир күрпани талашиб катта бўлганди улар,
Энди эса бир ҳовлига сигмас ака-укалар.

Жанжаллашар ҳар куни, эди-да феъллари тор,
Хувиллаб қолди ҳовли, тортиб қўйилди девор.

Девор ҳовлида эмас, қўнгилларга тортилди,
Оға-ини юз кўрмас, дил риштаси узилди.

Үй эмас, у гамхона, кўриб бўласан ҳайрон,
Оға-ини бегона – меҳр-оқибат сарсон.

Оқибат бир қуш бўлса, қаноти ака-ука,
Аёлнинг худбинлиги қадрдонларга юк-да.

Бу нафси бузуқларни қайга элтади хаёл,
Ака-ука зотини бузган аслида аёл.

Инсофи куйиб кетсин бундайин овсинларни,
Худойим нари қиласин, нафслари бузуқларни.

Сиз эркаксиз унутманг, эрлик тахтда ўзингиз!
Оқибатни ҳеч бузманг, ахир сизлар жигарсиз.

ЯХШИРОҚ

Пиёлалар жаранглаб, шароб қуйиб ичгунча –
Кимсасиз саҳроларда ташна қолсанг, яхшироқ.

Тайини йўқ дўстингдан кўмак кутиб тургунча –
Яратган даргоҳидан мадад кутсанг, яхшироқ.

Бирор ҳаққига яшаб бой бўлгандан кўра –
Шу юртнинг уйларида қул бўлганинг яхшироқ.

Ота-онам ўтди деб додлаб уввос согунча –
Ҳали ҳаёт чоғида қадрласанг, яхшироқ.

Дўстга хиёнат қилиб, ориятни сотгунча –
Душманингнинг қўлида ўлим топсанг яхшироқ.

Бошга тушган қулфатдан шикоятлар қилгунча –
Вақтида закот бериб, савоб олсанг яхшироқ.

Очга муруват қилмай, тўқ қоринда юргунча –
Аҳволи танг кишига ёрдам берсанг, яхшироқ.

Хоин, сотқинлар янглиғ, Ватанингни сотгунча –
Шу Ватан тупроғига қорилганинг яхшироқ.

Бирор ҳаётин бузиб, гуноҳларга ботгуча –
Фақат ёлғиз Аллоҳга тавба қилсанг, яхшироқ.

Ўз дардинг достон қилиб, шеър ёзгунгча, эй Шавкат –
Ўз Элингнинг дардини ёзганларинг яхшироқ!

АКАМ

Бир қориндан талашиб тушган,
Унга ҳовли-жой туюлар кам.
Қайда қолди энди оқибат –
Шуми меҳринг, меҳрибон акам?!

Кибру ҳавога берилиб,
Кетибди-ку қадринг тўкилиб.
Менга сендай ака керакдир,
Онам йифлар ўйлаб, эзилиб.

Худо ақлу ўйдан берибди,
Бир забардаст қомад берибди,
Ҳовлимиздан файз ҳам арибди,
Халқقا кулгу бўлмайлик, акам!

Отамизга кўмак берардик,
Ўша дамлар баҳтиёр эдик,
Бир майизни икки бўлардик,
Кўй, бегона бўлмайлик, акам?!

РАМАЗОН

Сабр-савоб макони,
Таърифга ожиз забон.
Ўн бир ойнинг султони,
Муборак ой – Рамазон.

Рамазоннинг ҳар куни,
Ҳар туни эрур сабр.
Ўттиз куннинг султони,
Бу кун – Лайлалт ул қадр.

Унда меҳр жам бўлгай,
Кўнглимиз нурга тўлгай,
Оlam сеҳрга тўлгай,
Келса моҳи Рамазон.

Шайтон бўлар занжирбанд,
Банда Оллоҳга дилбанд,
Савоблар бўлар баланд –
Келса моҳи Рамазон.

СИЗДАН ЎРГАНДИМ, ОТА

Дўстлар топдим синашда,
Қийналмадим ҳаётда.
Барчасини, албатта –
Сиздан ўргандим, ота.

Тупроғимни қучмоқни,
Юрт учун қон кечмоқни,
Ватан, дея ёнмоқни,
Сиздан ўргандим, ота.

Хар қанча савоб қилсам,
Хақ йўлини танласам,
Ниманики ўргансам –
Сиздан ўргандим, ота.

Касбимга ёндашмоқни,
Рўзгорим тебратмоқни,
Ҳалолидан топмоқни,
Сиздан ўргандим, ота.

Хурмат, иззат, икромни,
Кўл кўксимда, саломни,
Оятуллоҳ, Каломни –
Сиздан ўргандим, ота.

Сиз бор, дуо қилгувчим,
Ишлатиб, ақду кучим,
Элга фарзандлик бурчим,
Сиздан ўргандим, ота.

Сиз донишманд муаллим,
Сиздан ўргандим илм,
Рост сўйлашни бу тилим –
Сиздан ўрганди, ота.

Тўғри йўлни танлашни,
Фарзандни эркалашни,
Шукур қилиб яшашни –
Сиздан ўргандим, ота!

БОЛАЛАР ҮЙИДА

Нима бўлди бугун бизнинг замонга?!
Маъюс бўлиб йифлар кўзи қоралар.
Тикилади нажот истаб осмонга –
Мехрибонлик уйидаги болалар.
Ота сиҳат, она ҳаёт ва лекин,
Тирик етим бўлиб қолган болалар.

Она меҳри олис, худди осмондай,
Юришарлар оталарсиз сарсондай.
Фикрлашар худи катта инсондай –
Мехрибонлик уйидаги болалар.

Бошқа болалардек ўйнашолмас ҳеч,
Мириқиб тўшакда ётишолмас ҳеч.
Кутадилар оналарини ҳар кеч –
Тирик етим бўлиб қолган болалар.

Кўнгилчаси ўксик, қувончлари кам,
Мурғаккина қалбларида тўла фам.
Келажаги қандай бўлади, билмам –
Мехрибонлик уйидаги болалар.

Тоғларни парчалар юрак нолангиз,
Онам йўқ деб ўксиб-ўксиб қолмангиз.
Ватан сизга ота, Ватан онангиз –
Тирик етим бўлиб қолган болалар!..

Охир қайтдим, кўзимдаги нам билан,
Йифлаб-йифлаб кўнглимда бир фам билан.
Шеър ҳам ёздим сизга дилда кам билан –
Тирик етим бўлиб қолган болалар.
Етимхонадаги болалар!..

УМИД

Қани менинг күнгил уйим түлсайди,
Армонли дил сендан шифо топсайди.
Даргоҳидан қизми ё ўғил бола –
Худойим менга ҳам фарзанд берсайди.

Үзимдан ҳам күпроқ куюнгум ёрга,
Фарзанд тилайман ҳар тирноққа зорга,
Ҳавасим келади фарзанди борга –
Худойим менга ҳам фарзанд берсайди.

Дўстларим олдида мағурур турардим,
Бошим эгилмасди, кулиб юрардим,
Боримни берардим, тўйлар қиласардим –
Худойим менга ҳам фарзанд берсайди.

Синовига дош бериб сабр қилгум,
Дуо билан Худодан сўраб тургум,
Насиб этса ҳам ўғилу қиз кўргум –
Худойим менга ҳам фарзанд берсайди.

* * *

*Умид – инсонни сабрга ўргатадиган
Илоҳий түйгү.*

Осмонга умид-ла тикилган нигоҳ,
Ўзининг юлдузин топмасдан қўймас.
Гоҳи юрагингни ўртаса-да оҳ,
Бахт ҳам кўчангдан бир ўтмаса бўлмас.
Инсонни сабрга ўргатар Худо,
Умидли дунё бу, умидли дунё.

Фарзанд умидида юрганлар қанча,
Сабру қаноатга қўл берган қанча,
Кундузга жой берар вақт келса кеча.
Дуога қўл очиб, қилингиз нидо,
Умидли дунё бу, умидли дунё.

Раҳмоний умидда хислат бисёрdir,
Шайтоний умиддан юрак безорdir,
Ноумид кимсанинг дили bemорdir.
Қаноатли бўлинг, таратинг зиё,
Умидли дунё бу, умидли дунё.

Муродга етмасанг, ранжима қўнгил,
Аламда кўп ёнма, сабрли бўлгил,
Шавкат сўзин тингла ва шуни билгил.
Умидсиз шайтондир. Инсон-чи?! Аммо –
Умидли дунё бу, умидли дунё...

УМИДСИЗ ЭМАСМАН

Ҳижроннинг тиканли чангларидан,
Дод солгим келади, чиқмайди овоз.
Ишқ, деган азобнинг жангларида –
Умидсиз эмасман, ночорман, холос.

Муҳаббат танамни чокларга бўлса,
Таним тирик туриб вужудим сўлса,
Ҳаётнинг зарбаси кўз нурим олса –
Умидсиз эмасман, ночорман, холос.

Вафодор дўст санчса дилга ханжарин,
Юрак урмай қўйиб, жон берса таним,
Тупроқقا кўмилса жонсиз баданим –
Умидсиз эмасман, ночорман, холос.

«Аҳволингга қара, «қурибсан» деманг,
Ачинмангиз дўстлар, ғамимни еманг,
Фанимлар, сиз бунча устимдан кулманг –
Умидсиз эмасман, ночорман, холос.

ЭЙ ДҮСТ

Хийлаларинг күп экан,
Ёлғон ваъдаларинг ҳам.
Қиёматли дўст эдинг,
Ўтказдинг-ку жонимдан.

Дўстга зор бўлган чоғим
Ташлаб кетдинг-ку, эй дўст.
Номардларча иғвони
Бошлаб кетдинг-ку, эй дўст.

Менинг ака-укам йўқ,
Ҳам акам, ҳам укам эдинг.
Сендан эди кўнглим тўқ,
Нечун бундай йўлни тутдинг?

Бир сўз билан дилемни –
Фашлаб кетдинг-ку, эй дўст.
Умидворнинг кўзини,
Ёшлаб кетдинг-ку, эй дўст.

Барчасига чидардим,
Кўникар эдим охир.
Иғволаринг кўксимга
Ханжардек ботди оғир.

«Дўстим» деган тилемни,
Тишлаб кетдинг-ку, эй дўст.
Заҳри тўлган чаёндек,
Нишлаб кетдинг-ку, эй дўст.

Менга молинг керакмас,
Керакмасди давлатинг.
Пул, обрўйинг керакмас,
Керакмасди савлатинг.

Молу дунё ортидан
Хушлаб кетдинг-ку, эй дўст.
Янги дўстнинг этагин,
Ушлаб кетдинг-ку, эй дўст.

ЯХШИЛИК ҚИЛГИН

Дунё ёмонликдан иборат эмас,
Дилингни пок тутиб, нурга тўлдиргил.
Ёлғиз Худо билар, ўзи-ку билмас –
Ёмонлик қилганга яхшилик қилгил.

Ёмонлик истаса ўзига зарар,
Худо инсоф бериб, қалби тузалар,
Яхшилигинг кўриб юзи қизарар,
Ёмонлик қилганга яхшилик қилгил.

Ортдан келиб оёғингдан чалишса,
Номард дўстлар сени пулга алишса,
Душманларинг устингдан ҳам қулишса,
Ёмонлик қилганга яхшилик қилгил.

Фалак гардиш бир томонга айланар,
Ёмон дўстинг ёлғонларга алданар,
Энг ёмон душманинг дўстга айланар,
Ёмонлик қилганга яхшилик қилгил.

БИР ЁМОННИНГ БИР ЯХШИСИ

Дунё гоҳ рост, гоҳо ёлғондир,
Ёмон отнинг бир қамчиси бор.
Инсоннинг ҳам ёмони бордир –
Бир ёмоннинг бир яхшиси бор.

Дунё асли ёлғон алладир,
Айтилмаган қўшиқ, ялладир,
Ижод аҳди учун далдадир,
Бир қўшиқнинг бир баҳшиси бор.

Одам ва Ҳаво яралганким,
Севги эрур ҳар дилга ҳаким,
Айнан шунинг учундир балким
Бир ошиқнинг бир маъшуқи бор.

Инсон учун аркондир кўнгил,
Яхшиларга виждондир кўнгил,
Муҳаббатга макондир кўнгил,
Ҳар бир қалбнинг дил эшиги бор.

БОЛАЛИГИМ

Эркалигим солдингми,
Ёдимга болалигим.
Олис йўлда қолдингми,
Оҳ менинг нолалигим.

Онажоним бағрида,
Қишлоғимдан нарида,
Ўтган йиллар қаърида,
Қолдингми, болалигим?

Дилга алам солмасман,
Эсламай қувонмасман,
Ёдингиз яшомасман,
Бекарор болалигим.

Кел, сенга бир гап айтай,
Ўшал йилларга қайтай,
Сени қандоқ унутай –
Бебаҳо болалигим?!

ДҮСТЛАР, САЛОМАТМИСИЗ?

Дарахт бўлсин, хоҳ бута,
Кўкарап тутса идиз.
Қувончим сиз, албатта,
Дўстлар, саломатмисиз?

Софинч кўнгил қийноғи,
Дўстлар жоннинг ардоғи,
Кўзларимнинг қароги –
Дўстлар, саломатмисиз?

Ҳақиқий дўст ўзингиз,
Софинганман сўзингиз,
Менга ҳол билдирингиз,
Дўстлар, саломатмисиз?

Қайдасиз, азиз дўстлар?
Бирга бўлсак тоғ қулар,
Сиз билан омад кулар,
Дўстлар, саломатмисиз?

ОНАЖОННИМ ЮРАГИ

Дунёда энг чидамли юрак –
Онажоним юрагидир у.
Дунёдаги энг нозик юрак –
Онажоним юрагидир у.

Дала-даштда тиниб-тинмаган,
Меҳнат қилиб роҳат кўрмаган,
Яна давру даврон сурмаган –
Онажоним юрагидир у.

Юзларида кўрмадим кулгу,
Унинг умри бутун бир қайфу,
Фарзанд учун ичган оғу у –
Онажоним юрагидир у.

Тилагани энг яхши тилак,
Меҳрибон қўл, меҳрибон билак,
Ўғли учун қувонган юрак –
Онажоним юрагидир у!

ОТАМ

Фарзанд учун қон ютган отам,
Нон сүраса жон тутган отам.
Яхши ота сиздайин бўлар –
Фарзанд дардин жим ютган отам.

Ўгитлари донишмандга хос,
Бир умрга қилайин эъзоз,
Отажоним, айтганларим рост,
Сиз ягона, тенги йўқ, отам.

Худо берсин сизнинг умрингиз,
Ёруғ қилсин икки юзингиз,
Қолдирмайман ерда сўзингиз,
Фарзандларга бош бўлинг, отам.

Ниятим бор, амри Оллоҳга,
Олиб борай Маккатиллоҳга.
Байтуллоҳни зиёрат этиб,
Дуоингиз олайин, отам.

ОТАМНИ АСРА, ХУДО!

Үзинг менга паноҳсан,
Эшитгувчи, гувоҳсан.
Үзингга қилдим нидо,
Отамни асра, Худо!

Шу бўйимни бўйлаган,
Фарзандини ўйлаган
Отамдан қилма жудо,
Отамни асра, Худо!

Хаста бўлсам дард ютган,
Бошим силаб, қўл тутган,
Софайишими кутган,
Отамни асра, Худо!

Отамсиз ахир кимман?
Ишончин оқдай дейман,
Камолим кўрсин дейман,
Отамни асра, Худо!

САЛОМИНГ БЎЛСИН

Қўлинг кўксингда бўлсин,
Дилинг ҳам тўғри бўлсин.
Юракда эзгу ният,
Ширин каломинг бўлсин.

Ҳар кимнинг бўлсин лафзи,
Одамийликнинг дарси,
Салом – Худонинг қарзи,
Аввал саломинг бўлсин.

Офтоб ердан чиққунча,
Сўнгра қуёш ботгунча,
Сўзинг бўлса ҳар қанча –
Аввал саломинг бўлсин.

Салом – кўнгил зиёси,
Эгуликнинг қиёси.
Салом – инсон дунёси,
Аввал саломинг бўлсин.

УСТОЗЛАРИМ

Устоз – боғбон, шогирд – навниҳол,
Бериб кўрдим кўнглимга савол,
Яшашни ўргатар чин, ҳалол.
Навниҳолдан ўстирган дарахт,
Устозларим, сизга минг раҳмат.

Кўтардингиз даражамизни,
Ўргатдингиз шажарамизни,
Эл хизматин бажарамиз деб –
Дилимизда бор бўлсин шу аҳд,
Устозларим, сизга минг раҳмат.

Ҳеч чарчаманг шогирд ўстириб,
Бизни шамоллардан авайлаб,
Ёмон одатлардан авайлаб –
Кипригимга қўндиrmаган гард,
Устозларим, сизга минг раҳмат.

Ўсиб борса қадамба-қадам,
Буюкликка етаркан одам,
Умрингизни сўрай Худодан.
Бизлар учун чекасиз заҳмат,
Устозларим, сизга минг раҳмат.

Мисли осмондаги қуёш сиз,
Бизга ойдек яна йўлдош сиз,
Сизнинг қанотингиз, МАНА БИЗ!
Сиз туфайли топдик шон-шуҳрат,
Устозларим, сизга минг раҳмат.

ФАРЗАНДЛАРИМ

Кўзларимнинг нурисизлар,
Юрагимнинг қўрисизлар.
Эркатойлар, ўғил-қизлар,
Фарзандларим, дилбандларим.

Сизларсиз бу ҳаёт нечун,
Сиз бор, дилимда бор учқун.
Яшагайман сизлар учун,
Асалу шакарқандларим.

Елкамда кўтариб ҳормам,
Сизсиз кўнгил уйи торман.
Кулишларингизга борман,
Ширин-шакар шарбатларим.

Кўзимнинг гавҳарисиз,
Кўнглимнинг жавҳарисиз.
Ширин сўзлар, қорақўзлар,
Жужуқларим, гулқандларим.

Асрагувчи қалқон бўлай,
Бўйнингизда тумор бўлай.
Бахтиз Худодан сўрай,
Фарзандларим, дилбандларим.

БЕХАЁ БИЛГАН ЭМАС

Эр йигитлар, зўр йигитлар, бу дунё алдамчироқ,
Ору номус поймолидан билсанг ўлим яхшироқ!

Кези келди, айтай сизга ор билан номус ҳаққин –
Унинг ҳаққин билар ёлғиз Парвардигор яхшироқ.

Узмангиз нозик гунчани, сиз фийбатга қул эмас,
Билсангиз бундайин ишлар Оллоҳга маъқул эмас.

Зинодан нафсни тиймоқлик эрурким Ҳақнинг йўли –
Буни Оллоҳ қули билар, нафс қули билган эмас.

Ўзни тийинг, бадном этманг бир инсоннинг боласин,
Фалак гардиш айланади, сиз ҳам ота бўласиз.

Бу мусибат тушмасин ҳеч бир кишининг бошига –
Буни бошдан кечган билар, бехабар билган эмас.

Фарзанд номус ўтда ёнса кимга оғир ботмаган?!
Садоқатли вафо аҳли ёрига тош отмаган.

Кимки Оллоҳдан қўрқибди, номусини сотмаган –
Буни аҳли вафо билар, беҳаё билган эмас.

ҮГЛИНИ КУТГАН ОНА

Күз мудроқда, дил уйғоқ,
Кутганимни сездингми?
Келганингдан күнглим чоғ–
Болажоним, келдингми?!

Мен бир фарыб онаман,
Юраги садпораман,
Болам, дея ёнаман,
Болажоним, келдингми?

Бўйларингни кўрганим,
Шудир кўнглим тўлгани,
Бахти бўлсанг бўлгани –
Болажоним, келдингми?!

Сени кутдим шомгача,
Дард хуружи жонгача,
Уйқу келмас тонгача–
Болажоним, келдингми?!

Тонгни қаритган тундир,
Келмасанг юрак хундир,
Соф-омон келдинг шукур,
Болажоним, келдингми?!

АКА-УКАЛАР ҲАҚИДА

Овсиналар уйғонган – диллари жанги,
Муродларига етган – уйлари янги.
Нафс оғзини аждаҳодек очишар –
Илонсиғат – илонлигин қилишар.

Акалар ҳам аёл гапига кириб,
Оқибат риштасин бир четта суриб,
Кенжә укасини аямай туриб –
Отасидан қолган уйни талашар.

Оға-ини бўлармиди шулардек?!
Бу дунёда разил борми булардек?!
Буқаламун тусга кирмас улардек!!!
Хийла-найранг ила уйни талашар.

Нафс кўзи ёғланиб итдек қутурган,
Мехру оқибатни қалби йитирган,
Шайтон тушиб гуноҳлари кўпирган,
Отасидан қолган уйни талашар.

Шунчалар бераҳим, шунчалар гумроҳ,
Уларга бир аёл, бир шайтон ҳамроҳ,
Бир-бирларин кўзин ўйишар, эвоҳ...
Отасидан қолган уйни талашар.

Форсийда бир сўз бор, «Жигар жигар хаст»,
Жигармас, бегона, қиммишлари паст,
Нечун бир-бирларин қонин сўришар –
Отасидан қолган уйни талашар?!

БАЪЗИ БИРОВЛАРНИНГ

Ой юзининг доғи кўриниб турар,
Кўриниб туаркан оқу қораси.
Баъзиларнинг юzlари кулиб турар,
Лекин ичидা бўларкан оласи...

БУНИ ҲАЁТ ДЕРЛАР

Кечагина сен соғ-омон кунингда
Минг ўргилиб жонингга жон бераркан.
Дардга етган, хаста ҳоли кунингда –
Сени дўсту ёр ҳам ташлаб кетаркан.
Буни бир дард дерлар, унда даво кўп,
Буни ҳаёт дерлар, бунда жафо кўп...

ЯШАШ ҚАНЧАЛАР ЯХШИ

Ширин ҳаётнинг гашти,
Соғлом умрнинг нақши.
Яхши яшаш яхшида,
Яшаш қанчалар яхши.

Завқданасан ҳар кундан,
Умри дарозлик шундан,
Ёшарасанда бундан,
Яшаш қанчалар яхши.

Яқинларга дил бериб,
Дўсту ёрга қўл бериб,
Яхшилиқдан дил тўлиб –
Яшаш қанчалар яхши.

Қалбингдаги нур билан,
Богингдаги гул билан,
Сени севган ҳур билан,
Яшаш қанчалар яхши.

ИККИ НАРСАНИНГ ҚАДРИ

Беҳудага ўтказмагин ўз ҳаётинг,
Қандай инсон бўлсанг ҳам, бўлсангда ким.
Икки нарса қадрига етмоқлигинг шарт,
Бириси баҳт бўлса, иккинчиси вақт.

ҚАДРЛИ

Хилпирасин байробинг,
Құчоғинг бўлсин нурли.
Кўзга сурай тупроғинг,
Қарич еринг қадрли.

Багри кенг ўлкам менинг,
Қудратинг улкан сенинг,
Кўзимга суртгум сенинг –
Зар тупроғинг қадрли.

Анорзору хурмозор,
Далалари буғдойзор,
Адрлари лолазор –
Яйловларинг қадрли.

Гуллаб-яшнагин, яйра,
Халқинг равнақин ўйла,
Шоирларинг авайла –
Санъат нонинг қадрли.

Сен бари бир яхширок,
Мақтайман сени ҳар чоқ,
Чўлда қуриган янтоқ –
Тиканзоринг қадрли.

Улугбек, Темур бобом,
Дермиш: «Юрт бўлсин омон»,
Буюклар этган макон –
Қадамжолар қадрли.

ОҚИБАТ БОРМИКАН?

Бу ҳаёт бизларга нима ҳам берди,
Хақиқат бўлмаса, дўстлар дунёда.
Тириклик маъниси нимага эрди,
Оқибат бормикан, дўстлар дунёда?

Фарзандлар тутсалар шайтоннинг йўлин,
Ноҳақ оғритсалар бироннинг дилин.
Ўғиллар отага кўтарса қўлин,
Оқибат бормикан, дўстлар дунёда?

Мард йигитлар беҳаёй ўл тутсалар,
Нафс йўлида ўзлигин унутсалар.
Бир инсон қизини бадном этсалар,
Оқибат бормикан, дўстлар дунёда?

Келинлар камситса қайнонасини,
Ўғиллар ўкситса ўз онасини.
Ранжитса онанинг дилхонасини,
Оқибат бормикан, дўстлар дунёда?

Кам бўларми, бир-бирига қарашса,
Мол талашмай жигарлар ҳол сўрашса.
Оғаю инилар мерос талашса,
Оқибат бормикан ўзи дунёда?

ОНАЖОН

Сени еган фаммикин, деб ўйлайман,
Шу саволга жавоб топмай тинмайман.
Сени ўйлаб мен ўзимни қийнайман,
Жон жигарлар учун куймоқ шартмикан,
Онаジョン?!

Холингга бир қара, ўзинг бир аҳвол,
Жигарларинг бир куни топарлар камол,
Қўйгин, юраверсин майли bemalol,
Уларни деб жондан кечмоқ шартмикан,
Онаジョン?!

Баъзиларга насиҳатинг қилмас кор,
Сени дардинг эшитиб қулар девор,
Кимларга сен зорсан, ким сендан безор,
Сендан безорни деб сўнмоқ шартмикан,
Онаジョン?!

Қилмасангачи сен ўзингни дилхаста,
Онаジョンим, жоним сенга пайваста,
Ҳали менга кераксан, қўйгин, бас-да!!!
Ўғлингни ҳам куйдирмоғинг шартмикан,
Онаジョン?!

СЕВ ЮРАГИМ

Хаёт давом этгунга қадар –
Сев юрагим, севмай ўтгунча.
Баётимга ҳам бергил самар –
Сев юрагим, ишқсиз қотгунча.

Мұхаббатинг билгин тумор,
Ёрнинг васли айласин хумор.
Майли тунлар ўтсин бедор –
Сев юрагим, ёрсиз ётгунча.

Ишқсизларга асло қарамай,
Сени севган дилни синамай.
Сочлардаги оқни санамай –
Сев юрагим, фамга ботгунча.

Севги фасли бунчалар сўлим,
Яйраб кетар ишқдан бу дилим.
Ҳеч жон йўқки, топмаса ўлим –
Сев юрагим, ўлим топгунча.

Ё СЕН ТУШСАН

Гоҳ осмонда юлдузни қучдим,
Тасаввурга сифмас ердаман.
Сени дея ақдимдан кечдим –
Ё сен тушсан, ё мен телбаман.

Қошларингнинг илмоқларида,
Нигоҳингнинг сиртмоқларида.
Кипригимнинг қирғоқларида –
Ё сен ёшсан, ё мен телбаман.

Баҳорини интиқиб кутган,
Капалакдек шабнамни ютган.
Қанотларин қоқиб кетган –
Ё сен қушсан, ё мен телбаман.

Тоғларда муз қотган тош каби,
Сабри қолмаган бардош каби.
Кўкда порлар ул қуёш каби –
Ё сен хушсан, ё мен телбаман.

ХОТИРА ШИРИН

Үтган кунлар ўхшаб кетади тушга,
Эслатиб қўяйин сенга қай бирин?
Бардошинг етарми мени тинглашга –
Иккимиздан қолган хотира ширин.

Ёдингдами, юлдузли тун қўйнида?!
Аҳдлашдик сокин сойнинг бўйида,
Энди мана, айрилиқнинг сўнгида –
Иккимиздан қолган хотира ширин.

Ортда қолиб кетди қучоқ очишлар,
Муҳаббатдан сўзлаб ширин кулишлар,
Ишқ оловда пинҳонароқ ёнишлар –
Иккимиздан қолган хотира ширин.

Қўлларимиз билан силаб майсани,
Ўзлаштирап эдик ишқнинг дарсини,
Энди тузатолмай дилнинг дарзини –
Иккимиздан қолган хотира ширин.

Наҳот биздан юракларда дод қолди,
Ширин туйфу, ширин орзу, ёд қолди,
Дилда армон номли бир фарёд қолди –
Иккимиздан қолган хотира ширин.

Шундай хотираки, осмонларга teng,
Шундай хотираки, сахролари кенг,
Шундай хотираки, айтай қай бирин –
Севгимиздан қолган хотира ширин.

* * *

Севаман деган эдим,
Севгим эди бекиёс.
Күлингдан тутган эдим –
Жилмайиб қўйдинг, холос.

Шайдо бўлиб дил дилга,
Аҳдлашган эдик бирга.
Қани ул, берган ваъда –
Қани ўшал эҳтирос.

Мана, бугун кетяпсан,
Ўзага ёр бўляпсан.
Ё устимдан куляпсан –
Жилмайиб қўйиб, холос?!

Ўзага узук тақиб,
Кетдинг дилимни чақиб.
Сенга сўнгги бор боқиб –
Хўрсиниб қўйдим, холос.

ДАРДЛАРИМ

Ёлғонларнинг дастидан,
Чекканим – захматларим.
Ёмонларнинг қасдидан,
Пайдо бўлган дардларим.

Айириб керагимдан,
Фижимлаб курагимдан.
Ҳали ҳам юрагимдан,
Аримаган дардларим.

Хаста кунимга яраб,
Қолган умримни санаб.
Сочнимас, ғамни тараб,
Оққа қўнган дардларим.

Пешонамга суркаб туз,
Бўлиб мен-ла юзма-юз.
Жонимни ҳали-ҳануз,
Тарк этмаган дардларим,

Судраб остонасига,
Қамаб ғамхонасига.
Шавкат дилхонасига,
Қолиб кетган дардларим.

Ишқнинг келганда гали,
Ёзилмаган асари.
Жароҳатлардан ҳали,
Тузалмаган дардларим.

Ҳаловатим йўқотиб,
Тунлар мени уйфотиб.
Сўнгра қаламни тортиб,
Шеърлар битган дардларим.

* * *

Дунё – азал ғамгин дунё,
Келинг, ғамдан түзишмайлик!
Дунё – азал ҳиссиз дунё,
Күз ёшлардан ёзишмайлик!

Дил шамлари ёниқлари,
Үткір қалам соқиблари.
Қалбни эзар оғриқлари –
Фурбатлардан ёзишмайлик!

Шоир дўстлар, шоиралар,
Зулфиялар, Моҳиралар.
Ғамга тўла қофиялар –
Ҳасратлардан ёзишмайлик!

Бир ҳовуч юракни сиқиб,
Шул юрак қонига чўкиб,
Сиёҳнимас, ғамлар тўкиб –
Фавғолардан ёзишмайлик!

Юлдузлардек кўкда юриб,
«Мен зўрроқман», дея туриб.
Эл дардини четга суриб –
Шахсиятдан ёзишмайлик!

Биз ёзганда дил яйрасин,
Биз ёзганда сўз сўйласин,
Биз ёзганни халқ куйласин,
Ёмонлардан ёзишмайлик!

ХАЙР, БҮЙДОҚЛИК

Бугун қўлдан кетди ихтиёр,
Ўтиб кетди шўхлигу ёшлиқ.
Салом, олаҳуржунли рўзгор,
Хайр энди, хайр, бўйдоқлик!

Хайр сизга, гўзал қизларжон,
Лаблари гул, зийнати маржон,
Наҳот учрашмаймиз ҳеч қачон?!
Хайр энди, хайр, бўйдоқлик!

Еўйдоқлар сафидан ўчдим ман,
Бахт деган қасрга кўчдим ман,
Сендан қандай қилиб кечдим ман?!
Хайр энди, хайр, бўйдоқлик!

Ёлғизликдан қолмади нишон,
Мен энди ўзгадирман – ишон,
Салом сенга, ёқимли хуш он,
Хайр энди, хайр, бўйдоқлик!

Бугун куёв, қадди теракман,
Озодману – ёрга керакман,
Энди йигит эмас, эркакман,
Хайр энди, хайр, бўйдоқлик!

Бугун қўлдан кетди ихтиёр,
Бундан буён тун ўтар бедор,
Салом, олаҳуржунли рўзгор,
Хайр сенга, хайр, бўйдоқлик!

БАҲОР ҲАВОСИ

Қалбга роҳат, дилга фароғат,
Баҳш этади баҳор ҳавоси.
Юракка ишқ – етса балофат,
Нақш этади баҳор ҳавоси.

Дов-дарахтдан тортиб уйқуни,
Уйғотади баҳор ҳавоси.
Ҳисга чулғаб шоир күнглини,
Тұлғатади баҳор ҳавоси.

Далаларга, қирларга күкни,
Етказади баҳор ҳавоси.
Дилларга гард юқтирган – юкни,
Кетказади баҳор ҳавоси.

ЙИЛЛАР УНУТДИЛАР

Баҳорда тушган барг, кўкламнинг сири,
Жумбоқлар ақдни шу дам енгадир.
Ўтган кунлар, ўтган ойларнинг бари –
Йиллар унутдилар бизни негадир.

Зулматларда қуёшини излаган,
Нигоҳларда тунлар қолди бари бир.
Хумор тилда «севаман», деб тўймаган –
Сўзлар унутдилар бизни негадир.

Иккимизни мўлжал олиб нишонга,
Бориб айтинг, сизни суйган ўшангага
Илк севгининг чинлигига ишонган –
Диллар унутдилар бизни негадир.

Ҳийла бирлан тунни этиб бедорлиғ,
Макрлари жонга тортиқ – озорлиғ.
Бизни қаро юз этиб, ўзи ёргалиғ –
Юзлар унутдилар бизни негадир.

Иложсизлик, аламдан ёнади жисминг,
Енгса мени ёлғизлигим енгадир.
Ўзгага нигоҳ қадаб бугун сизнинг –
Кўзлар унутдилар бизни негадир...

ЮР, КЕТАМИЗ

Не қиласыз, қалбни титратиб,
Улгуралың ғамни енгмоққа.
Биздан кечгандарни унугиб,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

Ишкесиз кесак бедаволардан,
Эзилди-ку дил жафолардан,
Кел, кечайлик бевафолардан,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

«Бахтлимиз» деб қулиб юрамиз,
Олислардан қараб турамиз,
Ва уларнинг ҳолин кўрамиз,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

Яшаймиз унугиб дилдагин,
Тушмагаймиз энди тузоққа.
Биз энди қайтмаймиз! Юрагим –
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

ШУНЧАКИ СЕВМАГАНМАН

Ишқни ўйин билмаганман,
Ўзгага дил бермаганман.
Мен шунчаки севолмасман,
Мен шунчаки севмаганман.

Нафсим йўлида дарс учун,
Оз фурсатлик нафас учун.
Бир ўткинчи ҳавас учун –
Мен шунчаки севмаганман.

Сенга шу дил уриб турсин,
Ойдек юзинг кулиб юрсин.
Чин севмасам, Худо урсин –
Мен шунчаки севмаганман.

Туйгулар қалбда беқарор,
Сенинг билан дил баҳтиёр.
Сенга учраб беихтиёр –
Мен шунчаки севмаганман.

Севгимдан олма хавотир,
Айрилиқлар менга ётдир.
Сен билан Шавкат ҳаётдир,
Мен шунчаки севмаганман.

КҮРИШГУНЧА, ХАЙР ЭНДИ

Сен кетарсан жим – бемалол,
Хаёлларда сайр энди.
Нозли гулим, майли хуш қол –
Күришгунча, хайр энди!

Хаётимга ёмғир бўлиб,
Келган эдинг кўк ундириб.
Кетмоқдасан бағрим ўйиб –
Күришгунча, хайр энди!

Келганингда баҳор эди,
Ишқдан дил ярадор эди.
Кўнгил Боғи шамол эди –
Күришгунча, хайр энди!

Кел, ўтмишни эслашамиз,
Бахти ондан сўзлашамиз.
Насиб этса учрашармиз –
Күришгунча, хайр энди!

ЖАНЛИМИ?

Малагим, зебузарим,
Бизга ишқ әхсонлими?..
Хоразмлик дилбарим –
Омонмисиз, жанлими?!

Излаб Хоразм ерин,
Кўрдим судувлар барин.
Шевангиз мунча ширин –
Жанлими ҳай, жанлими?!

Бирга юришган эдик,
Бахтга эришган эдик.
Қай кун кўришган эдик –
Жанлими ҳай, жанлими?!

Ойдек тўлин юзиздан,
Камон қошу кўзиздан.
«Оға-аа», деган сўзиздан –
Жанлими ҳай, жанлими?!

Муҳаббат ҳам бир дардда,
Биздек баҳти ёр нарда,
Учрашиб тонг ҳар саҳарда –
Жанлими ҳай, жанлими?!

Бевафолик найлама,
Ўзгасини сайлама.
Бари гал, ноз айлама –
Жанлими ҳай, жанлими?!

БАРМОҚЛАР

Сочим майин силаган, ўшал бармоқлар,
Ўзга бармоққа узук таққан бармоқлар,
Ноҳақликтан дилни эзар қийноқлар,
Аҳдга вафо қилмаган ўшал бармоқлар.

Эсга оддим қон билан ёзган мактубинг,
Эсга оддим жонимга жон ҳар сўзинг,
Хатларингда доги бор, кўз ёшнинг изи –
Тақдирига тан берган ўшал сен ўзинг.

Севгим сўнмаган сендан, лек юрак мағур,
Мен шоир эмас эдим, қўл ёзди мажбур.
Вафо қилмаганларнинг аҳволи шудир –
Пушаймонда адашган ўшал бармоқлар.

УЙГОНГИМ КЕЛМАС

Эшик тақиллади, кимдир чақирди,
Үрнимдан ҳозироқ турмасам бўлмас.
Сизни тушда кўрдим, ширин туш эди,
Жилмайиб туардиз, уйғонгим келмас.

Қўлимдан тутибсиз жуда ҳам қаттиқ,
Айтган сўзларингиз ёдимдан кетмас.
Мен фақат севгига ишонган эдим,
Тушимга кирибсиз, уйғонгим келмас.

Билмайсиз, сиз ҳақда хаёл суришим,
Билмайсиз, сизни деб юрак ёнишин,
Тушларимда сиз-ла ёлғиз қолишим,
Тушимга кирибсиз, уйғонгим келмас.

Қўлга тикан кирса дарди билинмас,
Сизсиз кўзларимга дунё кўринмас.
Гар абадий уйқу домига тортса –
Майлига ухлайнин, уйғонгим келмас.

ТУШЛАРИМГА КИРАСИЗ

Мени соғинтирдингиз тушимга кириб,
Бу соғинчлар дилимни буздилар ёмон.
Келармишсиз олисдан, исмим чақириб –
Тушларимга кирасиз, ҳали ҳам, ҳамон.

Ёдиздами, бирга юрган чоғларимиз,
Мұхаббатда биз кашф этган боғларимиз.
Аrimади дилимиздан доғларимиз –
Тушларимга кирасиз, ҳали ҳам, ҳамон.

Күз үнгимда сайланар – бегона юрак,
Атрофимда айланар – бегона юрак.
Фақат сизга талпинар девона юрак,
Тушларимга кирасиз, ҳали ҳам, ҳамон.

Кечагидан сизни күпроқ соғинаман,
Соғинчимни шеърга ёзиб овунаман.
Гулім, сизни унуголмай оғринаман –
Тушларимга кирасиз, ҳали ҳам, ҳамон.

НЕГА ЭНДИ КЕЛДИНГ?

Шунча йил
Қайды эдинг?
Келмай қошима,
Эриб муз юрагим,
Юз бардошим-а.
Кириб келган кунинг
Күзда ёшим-а,
Нега энди келдинг
Үттиз ёшимда,
Айтгин,
Ёки менга
Қасдинг бормиди,
Шунча йил ё сендан
Дил безормиди.
Кутавериб юрак
Сенга зормиди,
Мұхаббат!!!
Сен нечун
Келдинг қошим-а?!
Балки олмоқдирсан
Шу юракдан ўч,
Қўйгили,
Ташла мени
Бу ниятдан кеч.
Иложим йўқ, ахир
Кўнолмайман ҳеч,
Мұхаббат!!!
Сен нечун
Келдинг қошим-а?
Бундан не фойда бор?
Айт менга ўзинг,
Тил бўлса айтиақол
Охирги сўзинг.

Билмам нега келдинг
Нимага келинг.
Раҳминг келмайдими
Ўттиз ёшима?

КЎЗ ЁШИМ ҚУРИБ БОРАР

Дилни дард ўйиб борар,
Тилим ҳам куйиб борар,
Йиглайвериб азобда –
Кўз ёшим қуриб борар.

Ким менинг ҳолим сўрди,
Ким қуиганимни кўрди,
Севганимдан дарак йўқ –
Кўз ёшим қуриб борар .

Йиллар ҳам ўтиб борар,
Умидлар сўниб борар,
Оҳларим тошни ёпар,
Кўз ёшим қуриб борар.

Кўзим йўлингда қолар,
Сўзим дилимда қолар,
Сенсиз етмайди нафас,
Кўз ёшим қуриб борар.

КҮРИНМАЙСИЗ

Уйингиз ёнидан ўтиб –
Қарадим, ҳеч күринмайсиз.
Кўчангиз бошида кутиб –
Бетоқатман, кўринмайсиз?!

Келганимни сезсангиз ҳам,
Кўчага бир чиқсангиз ҳам,
Далли ҳолим билсангиз ҳам –
Кўнглингизни билдирмайсиз.

Қўлингиздан тутмай сизни,
Севсам сиздай гўзал қизни.
Мафтун этиб нега бизни –
Кўрмайсиз ё кўринмайсиз?!

Йўлимни пойлаб чиқасиз,
Сизда кўнглим бор, биласиз.
Сезиб турибман, севасиз,
Нега унда билдирмайсиз?!

КОКИЛИНГ...

*Момом ўриб ўтган соч,
Ўсиб товоң ўпган соч,
Ўсиб товоң ўпганда,
Йиглаб-йиглаб кетган соч...
Кокилинг ким кесди ёр?!*

(Мұхаммад ЮСУФ)

Гүзал, сенда арзим бор,
Шу ишни қылдинг бекор.
Тупроқда ётар хор-зор,
Кокилинг ким кесди ёр?!

Кесганинг ҳавасмиди,
Сочларингга қасдимиidi,
Кокил қадри пастмиди,
Кокилинг ким кесди ёр?!

Хою ҳавасларни қўй,
Сўзим тингла парирўй,
Қанчалар эди хушрўй,
Кокилинг ким кесди ёр?!

Қирқ кокилли жаноним,
Бесабр, беомоним,
Оғринар чап томоним,
Кокилинг ким кесди ёр?!

Гүзал, сенда арзим бор,
Шу ишни қылдинг бекор.
Қайчидаям қасдим бор,
Кокилинг ким кесди ёр?!

ЗУХРОХОННИ

Гулдай авайлаб келардим,
Жонимни берардим унга.
Гуллар сарабаб терардим –
Зухрохонни севардим-да,
Зухрохонни.

Жудаям ёш, фўр эдим ман,
Ўзимга бек, зўр эдим ман.
Кунда бир бор қўрадим ман –
Зухрохонни севардим-да,
Зухрохонни.

Ёлғиз қолсам қўшиқ бошлаб,
Юрадим қўлидан ушлаб.
Қўйгандим қулогин тишлаб –
Зухрохонни севардим-да,
Зухрохонни.

Деворига қўйиб нарвон,
Кўрсам дердим уни ҳар он,
Билса-бислин жумла-жаҳон –
Зухрохонни севардим-да,
Зухрохонни.

ГАРЧИ ИМКОН

Гарчи имкон қўлдан кетса ҳам –
Ҳар йигитга берилар омад.
Сиқилмагин, ўксинма дўстим –
Ўтиб кетар ёмон кунлар ҳам.

Қаддингни тут, асло бир қадам –
Кўйма ғамнинг ғамхонасига.
Кетган баҳтга қилмагин алам,
Ҳеч ким қочмас пешонасидан.

БОГЧА ОПАМНИ

Болалигим қизиқ ўтган,
Богча дея йифлар эдим.
Менга шеърлар ўқиб берган,
Богча опамни севардим.

Беш ёшимда дил берганман,
Байрамларда гул берганман,
Дердим, сизга уйланаман,
Богча опамни севардим.

Болалардан қизғонардим,
Гоҳ сездирмай термулардим,
Бориб аста ачомлардим,
Богча опамни севардим.

Борсам сира зерикмасдим,
Уйланаман, деб қўймасдим,
Ёшлик экан-да, билмасдим,
Богча опамни севардим.

Болалиқда ўжар эдим,
Йиллар ўтиб мен улгайдим.
Унинг қизига уйландим,
Богча опамни севардим.

Хўш, кейин-чи, деяверманг,
Не бўлганин сўрайверманг,
Устимдан кўп кулаверманг,
Богча опамни севардим.

Энди ўйласам куламан,
Ёшлик қилганман, биламан.
Қайнонамдан уяламан –
Богча опамни севардим.

БЕЗОРМАН

Ишқұа қасам ичмангиз,
Ишқ деб жондан кечмангиз.
Севгидан сўз очмангиз –
Мен севгидан безорман.

Фұссага құмилмангиз,
Севги деб куюнмангиз.
Билмоққа уринмангиз –
Мен севгидан безорман.

Құлидан тутолмайсиз,
Кутиб ҳам ўтолмайсиз.
Тинчгина юролмайсиз,
Мен севгидан безорман.

АСТА-АСТА

Маҳдиё ман сўзингга,
Юрагим хаста-хаста.
Ошиғингни ўзингга
Ўргатдинг аста-аста.

Ноз ила кулиб-кулиб,
Ёнишим билиб туриб.
Кўнглимга шерик бўлиб
Ўргатдинг аста-аста.

Интизорман изингга,
Парвонаман ўзингга,
Ишонтириб сўзингга
Ўргатдинг аста-аста.

Кўксимга ишқни жойлаб,
Юрак урар шикаста.
Шавкатни ипсиз бойлаб,
Ўргатдинг аста-аста.

НЕТАЙ...

*Бўлмасга-бўлмасун, нетай...
(ОГАҲИЙга назира)*

Ҳаммани кўрар кўзлари –
Бир мени кўрмаса, нетай,
Бахт томон борар излари –
Биз томон келмаса, нетай.

Келмас бўлса энди ҳеч вақт,
Софинчи юракка ботгай,
Ёр томондан кутилган баҳт –
Келмаса-келмасун, нетай.

Ошиқ кўнгил ишқида қул,
Малак томон босганда йўл,
Бизга жавоб айлабон, дил –
Бермаса-бермасун, нетай.

Тилга олиб инжу сўзни,
Сўнгра ўгирсалар юзни,
Ётни суйиб, энди бизни –
Суймаса-суймасун, нетай.

Қуш каби учиб ҳарёна –
Кетсалар бўлиб бегона,
Шу байтларимга парвона –
Бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Ишқида қуидирган золим –
Куймаса-куймасун, нетай.
Мажнуни девона ҳолим –
Билмаса-билмасун, нетай?!

ГУЛЖАМОЛ

Хүснда тенгсиз юзи,
Шунчалар соҳибжамол.
Ёноқлари қирмизи –
Лаби фунча Гулжамол.

Одоб ила ҳаёси,
Узун кўйлак либоси.
Кўзларининг қароси –
Қора тунча Гулжамол.

Булоқ сувидек зилол,
Кўқдаги юлдуз, ҳилол.
Лола гул, нозик ниҳол –
Хусни қунча Гулжамол.

Малакми, паризода,
Хон қизими, хонзода?!
Оҳ, шунчалар озода –
Жисми гулча Гулжамол.

ГУЛИРАЊО

Сен жаннатнинг гулисан,
Байтларимга қўшган маъно.
Қалб қўримнинг йўлисан,
Гулирањо.

Хушбўй тананг бунча нозик,
Баргинг нозик, гулинг нозик,
Сендек менинг дилим нозик,
Гулирањо.

Хушбўй ҳидинг тарапади,
Атринг дилим яралади,
Шавкат сени саралади –
Гулирањо.

Сен чиройли, мафтункорсан,
Кўклам баҳорига ёрсан,
Заминингга вафодорсан,
Гулирањо.

Гуллар ичра сени топай,
Атринг дарёсида оқай,
Босган изларингни ўпай,
Гулирањо.

Шеърларимда пайдо ўзинг,
Дардларимга даво ўзинг,
Мен учун бир дунё ўзинг,
Гулирањо.

ДИЛДОР

Айлаб мени йўлларингга зор,
Ўзинг мендан бўлдингми безор.
Ваъдаларинг ёлғонмиди ёр,
Яна қанча алдайсан, Дилдор?

Мени нечун бунча суйдирдинг,
Куйдирсанг ҳам ўзинг куйдирдинг.
Жонимдан ҳам охир тўйдирдинг,
Яна нелар истайсан, Дилдор?

Ҳижронингда ҳануз ёнаман,
Ҳатто дунёлардан тонаман,
Наҳот сенга мен бегонаман,
Яна нелар истайсан, Дилдор?

Дардни берган шифо ҳам берар,
Суйганларни Худо ҳам сурар,
Бесабрлар аламда куяр,
Яна нелар истайсан, Дилдор?

Борар йўлим узундан-узоқ,
Юрагимни ўртар бу фироқ,
Дардим олар, шу қора тупроқ,
Яна нелар истайсан, Дилдор?

ИЧИМГА

*Йўлимнинг кўп тошлиари,
Куч сўрайман кучимга.
Дунёнинг кўз ёшлари –
Оқар менинг ичимга...
(Бобур БОБОМУРОД)*

Умримнинг кам санофи,
Армоннинг фам шароби,
Қонларимнинг зардobi –
Оқар менинг ичимга.

Яхшиликнинг савоби,
Ёмонликнинг гуноҳи,
Қаламимнинг сиёҳи –
Оқар менинг ичимга.

Қошлари тим қора қош,
Ёлғиз кўнглимга сирдош,
Санам кўзидаги ёш –
Оқар менинг ичимга.

Кўзим қувнатган ёфду,
Макр ўйнатган жоду,
Хаёт ичирган оғу –
Оқар менинг ичимга.

Тошданмиди бардоши –
Дардин айтмас ҳеч кимга,
Онажоним кўз ёши –
Оқар менинг ичимга...

КҮРДИМ

Замин узра кезиб юрган моҳини кўрдим,
Моҳитобдай ёлғиз юрган оҳуни кўрдим.
Қасд айлади юрагимни ишқи банд этиб,
Излаб борсам, сулув ёрнинг нозини кўрдим.

Билмам энди қай гўшадан ёрни ахтарай,
Қай тил билан унга юрак розини айтай,
Балки мендан ийманиброқ кетдими атай,
Не сабабдин ҳажрининг азобини кўрдим.

Дермиш: ионмам, ошиқдик ўткинчи ҳавас,
Ул гўзалнинг эътирози гўё жонга қасд,
Бу ситамга ошиқ Шавкат не тонг чидамас,
Ул парининг жабр ила жафосин кўрдим.

МЕНДАН КЕЧГАНИНГ АЛАМ

Мендан дил узганда санам,
Музлаб қолгандай танам.
Жоним, ҳаммасидан ҳам,
Мендан кечганинг алам.

Тақдирнинг фўр ўйнида,
Ўзга уйнинг тўрида,
Етти ётнинг қўйнида,
Фунча очганинг алам.

Дилимни оғритган сен,
Дунёни тор этган сен,
Ўзингга зор этиб сен,
Ташлаб кетганинг алам.

Сўзим айтолмаганим,
Кўлим етолмаганим,
Кўнгил узолмаганим,
Кўнгил узганинг алам.

Эй сен қалби бемеҳр,
Шавкатга қилдинг жабр,
Севгимга қазиб қабр,
Сўнгра қулганинг алам.

ОШИҚ ЭДИК БИЗ

Ярим тунда ёрқин самони –
Кузатардик танҳо иккимиз.
Осмондаги ой ва зуҳрони –
Кузатардик танҳо иккимиз.
Осмон эса бепоён, чексиз...
Юлдузларга ошиқ эдик биз.

Эркалатиб, сочларинг силаб –
Илиқ шамол майин эсади.
Олислардан бизларга қараб –
Тўлин ой ҳам кулиб туради.
Ёш боладай бегам эдик биз,
Юлдузларга ошиқ эдик биз.

«Севаман» деб пичирлашардик,
Иккимиз ҳам меҳр талашиб.
Олов бўлиб ёнишар эдик,
Лабларимиз бўса алмашиб.
Эҳ, қанчалар баҳтли эдик биз!
Юлдузларга ошиқ эдик биз.

Кўқдан ногоҳ юлдуз узилса –
Завқланардик унга термулиб.
Тунда қошу кўзлар сузилса –
Қалбда дайди ҳислар жўш уриб.
Нигоҳимиз сўйларди сўзсиз,
Юлдузларга ошиқ эдик биз.

Күёш аста бошин кўтариб –
Севгимизни биздан қизғанар.
Ишқимизнинг шўхлигин қўриб –
Тун уялиб тонг ҳам уйғонар.
Бунча тез тонг отмаса, эсиз –
Юлдузларга ошиқ эдик биз!..

НЕЧУН СЕН ЭШИТМАДИНГ?!

Дард жонимни ўроғлаб ўтди,
Жонга раҳм этмадинг.
Додим Догистонга етди –
Нечун Сен эшитмадинг?!

Ишқ шаҳри бузилдими?
Орзулар узилдими?
Айри ғам тузилдими –
Нечун Сен эшитмадинг?!

Додим само эшитди,
Тоғу дарё эшитди,
Ҳар бедаво эшитди –
Нечун Сен эшитмадинг?!

Васлинг бўлди баҳонам,
Қон бўлди юракхонам,
Сенсиз қалбим ғамхонам –
Нечун Сен эшитмадинг?!

СЕВИШИНГНИ АЙТ!

Мени деб ёнасанми?
Ёнимда қоласанми?
Шунчалар севасанми?
Севишиングни айт!

Күнглимга қўйма тузоқ,
Ҳали йўлимиз узоқ,
Сўзларинг ишончсизроқ,
Севишиングни айт!

Мени ишқда ёндириб,
Гўзаллардан тондириб,
Кетмайсанми куидириб?
Севишиングни айт!

Қуш каби сайраяпти,
Сўзларинг авраяпти,
Кўзларинг алдаяпти,
Севишиングни айт!

Меҳримга сен ёрмисан,
Ҳар нега тайёрмисан,
Дўстми ё ағёрмисан?
Севишиングни айт!

Синовларда синайман,
Ҳақиқатни сўрайман,
Кўзларингга қарайман –
Севишиングни айт!

СЕКИН-СЕКИН

Ошифингни ўзингга –
Ўргатдинг секин-секин.
Ишонтириб сўзингга –
Қаратдинг секин-секин.

Карашма ила боқиб,
Киприкларингни қоқиб,
Юракка учқун ёқиб –
Ўргатдинг секин-секин.

Баланд пошнада юриб,
Лабингга бўёқ суреб,
Мулойим қараб туриб –
Ўт ёқдинг секин-секин.

Қайси боғнинг гулисан,
Осмоннинг юлдузисан,
Нозли-нозли куласан –
Сайратдинг секин-секин.

Қандай чора қўлладинг,
Ишқ ҳақида сўйладинг,
Кўз-кўз этиб бўйларинг –
Куйлатдинг секин-секин.

СИЗ ЯХШИСИЗ, БИЗ ЁМОН

Нима ҳам дердим сизга,
Бўлсангиз бўлди омон.
Тан берай сиздай қизга,
Сиз яхшисиз, биз ёмон.

Тунлар бедориз ўзим,
Томирда қониз ўзим,
Майли, ёмониз ўзим –
Сиз яхшисиз, биз ёмон.

Мен йифлайн, сиз қулинг,
Яхшиман деса ўргилинг,
Бир озгина жим туринг!
Сиз яхшисиз, биз ёмон.

Дийдоримга тўйинг сиз,
Сал раҳмли бўлинг сиз,
Ўтинч ила қулингиз,
Сиз яхшисиз, биз ёмон.

СОФИНДИМ

Күнглимда ёққанда қор
Номинг эслаб овундим.
Күнфироқдек жарангдор –
Овозингни софиндим.

Шошмай тур, кетма бир дам!
Сен билан дилим бегам.
Хар босганимда қадам –
Изларингни софиндим.

Бу соинчлар, қайгулар,
Билмадим, мени найлар?
Сени ўпганда яйрап –
Дудофингни софиндим.

Лабларидан бол томган,
Фақат менга ишонган,
Мени кўриб қувонган –
Кўзларингни софиндим.

Оҳ... софиндим СОФИНДИМ!
Юзларингни софиндим.
Икки маржондек мунчоқ –
Кўзларингни софиндим.

ТОШКАНЛИ

Олис йўл, олис дийдор,
Дунёнинг бир ками бор.
Мени кутган ул дилдор –
Севар ёрим тошканли.

Фунча очган гулзорда,
Илиқ кунда, наҳорда,
Танишгандик баҳорда,
Севар ёрим тошканли.

Нигоҳи бағрим ёқар,
Ул санам менга ёқар,
Севишганлар баҳт топар,
Севар ёрим тошканли.

Санам учун гул узай,
Азим Тошкентни кезай,
Ёлғизликни унутай...
Севар ёрим тошканли.

Олис йўл, олис дийдор,
Дунёнинг бир ками бор.
Мени кутган ул дилдор –
Севар ёрим тошканли.

ЎЗБЕГИМНИНГ ҲУР АЁЛИ

Мағурман! Сен туфайли –
Номус, гууррга эгаман.
Ўзбегимнинг ҳур аёли –
Зийнатингга бош эгаман.

Меҳрибонсан, меҳринг дарё,
Босган изинг шарму ҳаё,
Пойингга тиз чўкар дунё –
Ҳурматингга бош эгаман.

Сен чашмасан, нурдан балқан,
Сен оташсан, унда қалқан,
Ҳаё ила рўмол таққан –
Иzzатингга бош эгаман.

Ишққа сазовор сен ўша,
Ёрга вафодор сен ўша,
Ўзинг учун бир кун яша!..
Ҳимматингга бош эгаман.

Сен онасан, сен ёри жон,
Дардлар сени этган макон,
Қалбу қўринг, юрагинг қон,
Бардошингга бош эгаман.

Бебаҳосан, қадринг қиммат,
Ҳалол меҳнатинг beminnat,
Момоларимдай серҳиммат,
Ҳикматингга бош эгаман.

ХУШ КЕЛДИНГ

Хуш келдинг остонамга –
Паринамо, хуш кўрдик!
Сигмадим дилхонамга –
Кел, дилрабо, хуш келдинг!

Хуш келдинг, жони азиз,
Ташрифинг жондан азиз,
Марҳабо, гули наргис,
Кел, дилрабо, хуш келдинг!

Кулбамга кир шам бўлиб,
Беармон, бегам бўлиб,
Ёнимда ҳар дам бўлиб –
Кел, дилрабо, хуш келдинг!

Уйимнинг тўрида сен,
Қалбимнинг қўрида сен,
Умримнинг йўлида сен,
Кел, дилрабо, хуш келдинг!

Кўнглимга ёқиб учқун –
Кел, дардга даво учун.
Уялиб турмоқ нечун?!
Кел, дилрабо, хуш келдинг!

ШУНГАМИ ШУНЧА?!

Хұснинг күриб ақду ҳұшимдан кечдим,
Сен әмасми мафтун айлаган фунча?
Үпган бўлсам лабларингдан бир ўпдим –
Шунгами шунча?!

Фазаб ила қараашларинг жон олар,
Жаҳл этсанг бағру дилим ўртанаар,
Илиқ туйғу шунинг билан бошланар –
Шунгами шунча?!

Дудофингда лабим эриб сузарди,
Лабингдаги титроқ дилни эзарди,
Бир ўпганда олма юзинг қизарди,
Шунгами шунча?!

Шундан бери қалб оромим йўқолди,
Кўнгил қурғур ёлғиз ўзингда қолди,
Ошиқ Шавкат ўтиб балога қолди,
Шунгами шунча?!

Ногаҳон чимириб қошу қўзларинг,
Ёқиб тушди жонга тарсакиларинг,
Фазалга айланди қилмишларинг-ей,
Шунгами шунча?!

ФАРГОНАЛИК

Ақду ҳүшимни олган ул –
Гүзал санам фаргоналик.
Ноз ила айлади мафтун
Бизга етди девоналик.

Сочлари шундайин узун,
Қошлар юзга берган ҳусн.
Дийдор талаб дилим ҳар кун –
Күнгил энди фамхоналик.

Чўғдай ёнди жону таним,
Санам олди ақлим маним.
Кўнгил ярим, йўл ҳам ярим –
Ақду ҳүшим парвоналик.

Узун кўйлак, ҳарир рўмол,
Ул гўзал фаришта мисол.
Шавкат ҳүшин қолдирди лол –
Зебо санам фаргоналик.

ФАРГОНАНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Ақдим олган ҳурлари,
Тенги йўқ, тенгқурлари.
Ёр томон етаклаган –
Фарғонанинг йўллари.

Олис йўлда қолдирган,
Мен гарифни толдирган,
Сўнгра меҳрим қондирган –
Фарғонанинг йўллари.

Севмаган дил сарсонмас,
Ёр меҳрини қозонмас,
Ёрга етмоқ осонмас,
Фарғонанинг йўллари.

Дилда ёр, қалбда сабр,
Висол йўллари жабр,
Қанча кезсам ҳам камдир,
Фарғонанинг йўллари.

ШИРИН-ШИРИН

Гүзал, ёлғиз ўзингга –
Очсам кўнглимнинг сирин.
Жуда ёқасан менга –
Кулишинг ширин-ширин.

Исмингни дилга ёзиб,
Кўзларинг сузаб-сузиб,
Мен томон қадам босиб –
Келишинг ширин-ширин.

Тоғ этиб сўровларни,
Ортимдан синовларни,
Қалбимга оловларни –
Ёқишинг ширин-ширин.

Кулишинг ширин-ширин,
Келишинг ширин-ширин,
Жисму жонимга азоб,
Солишинг ширин-ширин.

ШИКОЯТ БОР

Йўлинг тушса гар жононим,
Келиб кўргин бир аҳволим,
Софингларда хаста жоним –
Хижронлардан шикоят бор.

Менга ёр эдинг бир пайтлар,
Сен мисоли пари пайкар.
Менга мерос бўлди сўзлар,
Лафзингдан ҳам шикоят бор.

Нега ёлғонга ишондинг,
Мени севиб, мендан тондинг,
Беҳудага куйиб-ёндинг,
Гумонлардан шикоят бор.

Шикоятим бор севгидан,
Бизни тарк этган туйфудан.
Аксимни кўриб кўзгуда –
Ажинлардан шикоят бор.

Сочга қўнганда қиров,
Ҳолинг сўраб келмас биروف,
Кеч бўлмасин, келгин дарров,
Армонлардан шикоят бор.

ЭРТАГАЧА

Кўришамиз эртага,
Софинч дилимда бисёр.
Кўзга илинмас уйқу –
Эртагача минг йил бор.

Қани бўлсанг ёнимда,
Софинчли аҳволимда.
Негадир хаёлимда –
Эртагача минг йил бор.

Вужуд титрашдан қўймас,
Дил ёлғизликни суймас,
Гўё ҳақиқат, ўймас,
Эртагача минг йил бор.

Софинч ила шеър битдим,
Хаёлда қўлинг тутдим.
Сени шунчалар кутдим...
Эртагача минг йил бор.

ЯНГАЛАРНИ ЙИГИБ ҚОШИНГГА

Кечагина бахтиёр эдинг,
Кулгичинг ҳам тўлди ёшингга.
Суймаганга бугун ёр бўлдинг,
Янгаларни йигиб қошингга.

Бугун ҳамма шодон, бугун тўй,
Армонларинг кўкка чўзар бўй,
Энди йиги-сифиларни қўй –
Янгаларни йигиб қошингга.

Ўзинг сабаб, ўзинг сабабчи,
Қайдан севдим сени, алдоқчи?
Не савдолар ортдинг бошимга –
Янгаларни йигиб қошингга.

АНОР

Анор. Унинг япроқларида,
Бир туп шода маржонни кўрдим.
Унда дилим эзилганидек,
Юрак қоним рангини кўрдим,

Уни қақнусга ҳам ўхшатдим,
Қақнус ўлгач қайта тирилар.
У ҳам фасли кузда кўмилиб,
Эрта баҳор яна очилар.

БАРДОШ

Вужудни тарк этса умид қуёши,
Кулфату ғам бўлса жонингга йўлдош.
Ғуссадан қуриса кўзингнинг ёши,
Инсонни файласуф айларкан бардош.

ГУЛГИНА

Минг бир қўлдан ўтиб гулгина,
Қонимни қиздирмоқ истайди.
Мафтун айлаб мени биргина,
Ўтида куйдирмоқ истайди.

Гўзалликка сарф этиб кучин,
Нозлар ила қараб турибди.
Билмадим, негадир, не учун,
Бир содда жон излаб юрибди.

Хабари йўқ, балки ҳаётдан,
Ёш жонига ҳар не кўрибди.
Гулзоридан кўчган қизгина,
Янги гулдон излаб юрибди...

ДАСТИНГДАН

Хаётим парчаланган,
Юрагим қийма-қийма.
Хабар олма ҳолимдан,
Мени деб сен ҳам қуйма.

Фам сурати чизилган –
Қош устида чизиқдар.
Пайдо бўлди дастингдан,
Йўлларимда синиқдар.

Ишқ оташи аланга –
Озор берди танамга.
Кўнгил бериб қўйибман –
Мени сўймас санамга.

Ёшга тўлди, нетайин,
Кипригим соҳиллари.
Ўзинг айтгин, найлайнин,
Юрагимнинг оҳларин.

Айтган сўзинг мисли ўқ,
Юракни қилди яра.
Кўзимдан ёш ўрнига,
Қонлар оқишин қара!..

Эй ёр, сенинг қасдингдан,
Шоир бўлдим дастингдан.

ЁЗ

Ой қуёшдан нур олар,
Қушлар қилади парвоз.
Кунлар узайиб қолар,
Кириб келса фасли ёз.

Тонг саҳарда қушчалар,
Уйғотар олтин соз-ла.
Хунари бор шошилар,
Меҳнат қайнайди ёзда.

Ёз фаслининг гашти бор,
Қуёш тафтида роса.
Сувлар тўла анҳорда,
Чўмилмоқ бирам маза.

Ҳарорати ошгани –
Иссиқ кунлар олтиндир.
Бободеҳқон, ёз бобо,
Дала-даштда ҳокимдир.

БАҲОР

Ҳар фаслнинг ўз ўрни бор,
Кўкларга бурканди фалак.
Яна келди фасли баҳор,
Қозонда қайнар сумалак.

Яшнар дала, яшнар тоғлар,
Ўзгачадир лола сайли.
Яшилга бурканди боғлар,
Шу баҳор фасли туфайли.

Ариқларда сув шилдирап,
Чаманлар бўлди гулистон.
Баҳорнинг исин келтирап,
Қир-адирлар, bogу бўстон.

Шодликка туташ байрамдир,
Ҳар дами қувонч баҳорнинг.
Тўкин-сочин дастурхондир,
Файзи бу баҳор фаслининг.

ҚИШ

Оқ либосли фаслим менинг,
Оқ либосинг бошқачароқ.
Яңги йилинг бошқачароқ,
Сенинг файзинг бошқачароқ.

Яңги йилдан нишонасан,
Қалбимизда кошонасан,
Ярқираган пешонасан,
Оқ либосинг бошқачароқ.

Муздеккина қоринг қучиб,
Замин узра оқинг сочиб,
Арчаларга оқ түн бичиб,
Яңги йилинг бошқачароқ.

Күкламлардан дарак қушсан,
Үйқу фасли әмас, ҳушсан,
Бизлар кутган фасли қишин,
Сенинг файзинг бошқачароқ.

КУЗ

Қулогинг тут, айтайин сўз,
Зарҳал хазон баргларингга.
Сербарака фаслсан, куз
Бободеҳқон қўлларида.

Камалакнинг ҳар жилоси,
Уйғун топган рангларингда.
Бетакрор ҳуснинг қиёси,
Келди юртим боғларида.

ГАПЛАШГИМ ЙЎҚ...

Қайдан келди бу тушкунлик,
Кўнглим ёритар чироқ йўқ.
Дилим вайрон, қалб дилхунлик,
Ҳеч ким билан гаплашгим йўқ.

Вужудимга бир ғам қўнди,
Бу фуссадан кўзим тинди.
Хушомадлардан тил куйди –
Дилсиз билан гаплашгим йўқ.

Йўл-йўриқقا чўзиб қўлни,
Умидвор этиб шу дилни.
Сездирмай ундирап пулни –
Судхўр билан гаплашгим йўқ.

Қопқон қилиб сиртмоқларин,
Қонга белаб қабоқларим.
Мени эзиб димоқлари –
Чоғлар билан гаплашгим йўқ.

Қайга борма ифво, гийбат,
Қани, биз билган ҳақиқат?
Сохта виждон, сохта ҳурмат –
Улфат билан гаплашгим йўқ.

Ёлғизми ман ё наҳотки?
Босилдими тилимга чўф.
Жон куйдирса ҳам ҳаттоқи –
Ёрим билан гаплашгим йўқ.

Бешафқатдир бунча дунё,
Ёзмаслигим керакми ё?
Ҳаммага кенг ижод йўли –
Фақат менга тордек гўё.

Ижод йўлига интилдим,
На жилмайдим, на бир кулдим,
Наҳот ҳаётда енгилдим –
Ҳеч ким билан гаплашгим йўқ.

КАБУТАР

Кабутар, оқ кабутар,
Хушхабаринг олиб кел.
Омонмикан дилбарим,
Ёр хабарин олиб кел.

Ҳар кун тушимга кирав,
Дилда тугён жўш урап,
Сен билмасанг ким билар,
Ёр хабарин олиб кел.

Оқ кабутар, кабутар,
Ул санам ҳам интизор.
Ёзиб берай мактублар,
Севишимдан бер хабар.

КЕЛАДИ

Күнгил уйин этиб обод,
Суюкли бир ёр келади.
Қадди қомати шамшод,
Вафоли дилдор келади.

«Ёр-ёр» садоси остида,
Шарму ибо билан бешак.
Оппоқ либоси устида,
Күзіда ҳаё келади.

Узукка күз қўйғандайин,
Ёнида куёв келади.
Ярашибди бир-бирига,
Икки дилхумор келади.

Тўй кунингиз муборакдир,
Бу Худодан иноятдир.
Қолдириб ҳаммани лол,
Икки баҳтиёр келади.

КУЛМА ЭНДИ

Ардоқдамадинг мени,
Менсиз ўйнаб яшайвер.
Сенсиз яшайман энди,
Кулма, энди кетавер.

Ортингга ҳам қарама,
Келар деб кун санама,
Күрганда ҳол сўрама,
Кулма, энди кетавер.

Демайман ортга қайтгин,
Кўз ёшларимни артгин,
Шу керакмиди айтгин,
Кулма, энди кетавер.

Сенга айтдим нечаман,
Кетсанг сендан кечаман,
Ҳижрон майин ичаман,
Кулма, энди кетавер.

Фурурла шаҳдлироқман,
Сўзига аҳдлироқман,
Сенсиз ҳам баҳтлироқман,
Кулма, энди кетавер.

ЮРАГИМ

Кўзгуда кўрганда аксимни,
Кўринаман ёш ва навқирон.
Ич-ичимдан сездим. Юрагим –
«Тугаганман» дейди батамом...

КҮНГЛИМ

Гоҳ қулиб, гоҳ қувонган,
Гоҳ йифлаб, гоҳ овунган,
Қон дengизда ювилган,
Күнглим.

Севидим, деб алданган,
Ҳижрон ханжар қадаган,
Фамхонада қамалган,
Күнглим.

Гоҳо сени топдилар,
Топиб ўтга отдила,
Сени арzon сотдила,
Күнглим.

Сендейин ташвишим йўқ,
Сендан ўзга ишим йўқ,
Бошқа сирдош кишим йўқ,
Күнглим.

Сенга жондош мен борман,
Фамга чўксанг бедорман,
Сен йифласанг bemorman,
Күнглим.

Ҳаётимнинг дарди сан,
Жасадимнинг ярми сан,
КЎНГИЛЛАРНИНГ МАРДИ САН!
Күнглим.

КҮРИШАЙЛИК

Мен Мажнун, сен-чи Лайли,
Бирор сезса ҳам майли,
Шу севгимиз туфайли –
Кел, битта кўришайлик!

Кўришайлик кундузи,
Ё кечқурун юлдузли,
Севар ёринг бир сўзли,
Кел, битта кўришайлик!

Кўришайлик бирпасга,
Гул тутай сенга даста,
Шавкат ишқингда хаста,
Кел, битта кўришайлик!

НОДИРАБЕГИМ

Ишқ дилимга фарибликни солмоқда,
Фақат сизнигина келади кўргим.
Томиримда беклар қони оқмоқда–
Мен ҳам бек йигитман, Нодирабегим!

Исмингиз сузади менинг жоламда,
Васлингиз сурати юрак ноламда,
Сизнинг ила баҳт топардим оламда–
Ёлғиз сизни дерман, Нодирабегим!

Сизга бергум юрагимнинг парчасин,
Менга беринг меҳрингизнинг чашмасин,
Йўлим пойлар паривашлар қанчаси–
Вале сизни дерман, Нодирабегим.

СЕВАРМИДИНГ

Сўрамасам ҳолингни ҳеч,
Пойламасам йўлингни ҳеч,
Учрашмасак-да эрта-кеч.
Чорлаганда келармидинг –
Ёлғиз мени севармидинг?!

Сени ёлғиз ташлаб кетсам,
Кўзларингни ўшлаб кетсам,
Юрагингни фашлаб кетсам.
Сўнг чорласам келармидинг –
Ёлғиз мени севармидинг?!

Кун келиб сени унутсам,
Ўзганинг қўлини тутсам,
Сўнг афсусда қонлар ютсам.
Ҳолим сўраб келармидинг –
Ёлғиз мени севармидинг?!

Фамлар қалбда жойланганда,
Кўзим ишқиз бойланганда,
Дилим музга айланганда.
Музларни эритармидинг –
Ёлғиз мени севармидинг?!

Мажнуннинг ҳолига тушсам,
Сенсизликда қонлар ютсам,
Фақат сени кутар бўлсам –
Ўшанда сен келармидинг,
Менинг дардим олармидинг?!

СЕВМАСАНГИЗ АЛДАМАНГ

Ваъда билан авраманг,
Дилларга тиф қадаманг.
Ёлғонлар билан ўраб –
Севмасангиз алдаманг.

Ишқнинг кўзи кўр дерлар,
Ҳижрон қалбни ер дерлар,
Буни дил иши дерлар,
Севмасангиз алдаманг.

Чин севгини туйволинг,
Билмасангиз, билволинг,
Бидирмасдан кулволинг,
Севмасангиз алдаманг.

Сиз ҳам бирор боласи,
Кимнингдир дилпораси,
Алданганлар ноласи –
Севмасангиз алдаманг.

Сизни деб киприклар нам,
Ёлғон қиласи алам,
Бўлмангиз бедард-бегам,
Севмасангиз алдаманг.

Бузилади тинч турмуш,
Ортирасиз бир юмуш,
Сизни деб юрак хомуш,
Севмасангиз алдаманг.

ҚОЛДИМИ ИШҚ СҮРОФИ?..

Юракка ишқ ин қуарар,
Бошда муҳаббат ғами.
Ҳамон сезилиб турар –
Тилда лабларинг таъми.
Сен мисоли қизғалдоқ,
Дилимда ҳануз оҳи.
Юрагингга қулоқ тут,
Қолдими ишқ сүрофи?

СЕНГА НИМА?

Сенга нима? Ишинг бўлмасин,
Фийбатимни қилмагин, жўра.
Яххиси, сен ўз ҳолингга боқ,
Бировга гап қилгандан кўра.

Илондайин заҳар сочасан,
Судралганча аста қочасан.
Аслида сен қандай одамсан,
Буни юрагингдан бир сўра!

Шавкат ёлғончи дер эмишсан,
Ёлғонини қайдада кўрмишсан?!
Кўрмай туриб гувоҳ бўлмишсан,
Ўзингга боқ, сен ундан кўра!

Сенга нима? Ишинг бўлмасин,
Ҳар ким ўз ҳолича яшасин.
Инсонлардай яшайлик десанг,
Гина қилмай аҳволим сўра.

УЧ ДУГОНА

Уч малак, уч атиргул,
Энди айро бўлди йўл.
Уч қадрдон дугона,
Турмуш қурди бир кунда.

Бири Раъно ва Доно,
Бири тенги йўқ Барно.
Сингиллардек қадрдон,
Бирга эди шўх-шодон.

Оқ либослар ярашган,
Парилар-ла талашган.
Етиб келган айрилиқ –
Розилигин сўрашган.

Қизлар бир палахмон тош,
Қайга отсанг кўнар бош.
Тўйи бўлган кечада,
Эдилар ўн саккиз ёш.

Кўринг тақдир ҳазилин,
Дугоналар бир-бирин.
Тўйин кўришолмади,
Бирга бўлишолмади.

Бири кетар Самарқанд,
Бири эса Наманган.
Бири қолди Тошкентда,
Бахтли ҳаёт олдинда.

Хайрлашди бариси,
Бир-биридан кўнгил тўқ.
Тақдир экан, ҳар куни,
Бир-бирини кўриш йўқ.

Қайда бўлса уч малак,
Омон юрса бўлгани.
Кўплашиб бир-бирини
Бориб турар кўргани.

АЁЛ КЎНГЛИ

Дунё қизик, дунё ғалати,
Куйдиради аёлнинг ўти.
Яқинлашиб, сўнг бўлсанг йироқ –
Аёл кўнглин чулғайди фироқ.

АЙТГИН, ДИЛИНГДА НЕ БОР?!

Нега юзинг кулмас ҳеч,
Қалбимга берма озор.
Ғусса рўмолини еч –
Айтгин, дилингда не бор?!

Кимдадир кўнглинг борми,
Сен унга интизорми,
Шу сабаб тун бедорми –
Айтгин, дилингда не бор?!

Сен йифласанг мен нетай,
Бош олиб қайга кетай,
Сени мен баҳтли этай –
Айтгин, дилингда не бор?!

АЙТИНГЛАР

Ишқұа ташна жонимни –
Дилдоримга айтинглар.
Девонаи ҳолимни –
Гуләримга айтинглар.
Ошиқи бекәорман,
Гадоман мен, ночорман,
Хажрида тун бедорман,
Ул ёримга айтинглар.
Ишқұа жонга озорга,
Жавоб берсін мен зорга,
Бориб мендан безорга –
Ахволимни айтинглар.
Айтинг гулбақоримга,
Келарми ул ёнимга?!
Рахм айларми жонимга?!
Озоримга айтинглар.

ЯНГИ ЙИЛ

Бугун байрам, тантана,
Шодликларга түлди дил.
Ҳаяжон ила мана –
Кириб келди Янги йил.
Бугун ният ўзгача,
Орзу ҳавас янгича,
Орзиқиб күтдик қанча,
Кириб келди Янги йил.
Ям-яшил арча билан,
Оппоқ қор, парча билан,
Йиғидик барча билан,
Кириб келди Янги йил.
Күз тутгандик йүлига,
Қорлар олиб қўйнида,
Совғаси бор қўлида,
Кириб келди Янги йил.

КЕЛМАДИНГИЗ, МЕН БОРМАДИМ

Меҳримизни оловлатган –
Ишқ сўндими, мен билмадим.
Ишқсиз ҳаёт ёлғон экан –
Келмадингиз, мен бормадим.

Тонги отмас кечадамиз,
Охири берк кўчадамиз,
Ҳижронларнинг ичидамиз,
Келмадингиз, мен бормадим.

Ҳар кунимиз дилхунликда,
Софингчлар ҳам беш кунлик-да.
Иккимиз ҳам тушкунликда,
Келмадингиз, мен бормадим.

Бедор ўтган тунлар аро,
Ҳар дақиқа, кунлар аро,
Олислашган йўллар аро –
Келмадингиз, мен бормадим.

Ёлғизликда ўтар умр,
Тақдиришимиз балки шудир.
Ҳаёт севгисиз мушкулдир,
Келмадингиз, мен бормадим.

ҮЗИНГ МЕНИ УХЛАТСАНГ

Дунё ғамидан күйсам –
Келиб мени юпатсанг.
Ухласам, ором олсам –
Эркаласанг, ухлатсанг.

Ҳар дам қўнглимга қараб,
Суйиб, мени эркалаб,
Қайноқ меҳрингга ўраб –
Ўзинг мени ухлатсанг.

Оёфингга бош қўйиб,
Ухласам тўйиб-тўйиб,
Сенга зорлигим билиб –
Эркаласанг, ухлатсанг.

Ёш боладек овунгум,
Фақат сен-ла севинчим.
Тугаб бормоқда кучим,
Ўзинг мени ухлатсанг.
Истаганда уйғотсанг...

ТҮЙДА УЧРАШИБ

Түйда учрашдик бизлар,
Үйловдим, топдим баҳтим.
Айро әканда йўллар –
Бугун сени йўқотдим.

Берган ёлғон ваъдалар,
Етганди юрак қадар,
Фам дилимни яралар,
Бугун сени йўқотдим.

Умидларим сўндиими,
Баҳт сенга бир кулдими,
Энди кўнглинг тўлдими?
Бугун сени йўқотдим.

Ёлғонинг алам қилди,
Айт, сенга нима бўлди?
Шавкат-ку, сенсиз ўлди,
Бугун сени йўқотдим.

Кеча мен сени топдим,
Нечун ортингдан чопдим?
Түйда учратиб сени –
Тўйинг куни йўқотдим.

БУХОРОДА ЁРИМ ЙИГЛАЙДИ

Билмам, нега ўжардир бунча,
Ҳеч ҳоли жонимга қўймайди.
Мен сафарга чиқдим дегунча,
Бухорода ёrim йиглайди.

Кун келиб мени тушунар, деб,
Унга зорлигимни билар, деб.
Тошкентлардан қачон келар, деб
Бухорода ёrim йиглайди.

Ўзни топмай, ўзни унутиб,
Келсам ёрга даста гул тутиб.
Турсам ҳамки унга шеър битиб
Бухорода ёrim йиглайди.

Йиглама ёр, йиглама дилдор,
Беҳудага ёш тўкма зинҳор.
Софинганман дейману бир бор
Бухорода ёrim йиглайди.

Илмоғин бўйнимга илдириб,
Қайтишимга мени қўндириб.
Тағин кўз ёшини тўлдириб,
Бухорода ёrim йиглайди.

ЮЛДУЗ

Осмонда порлаган юлдуз,
Сенга бордир дилдан бир сүз.
Қандай баҳтиёр әдим мен –
Мени ташлаб кетди-ку у қиз.

Сен барига гувоҳдирсан,
Ошиқларга ҳамроҳдирсан.
Термуламан, қўлим етмас,
Нега бунча йироқдирсан.

Бу не савдо, қўрмайсанми,
Сен ҳам мендек йифлайсанми?!
Осмонингда йўлдош бўлган –
Юлдузингни қўмсайсанми?

Осмондаги ёрқин юлдуз,
Қолиб кетди дилдаги сүз.
Ундан ўзгани севмасман –
Ўтсам керак энди ёлғиз.

Ўзинг менинг сирдошимсан,
Осмондаги кўз ёшимсан.
Кел, пастга туш, дардлашамиз,
Одамлардек тиллашамиз.

ХИЁНАТ

Кўринади дунё кўзга тор,
Кўниколмай бўласан-ку хор,
Айтолмайсан дардингни беҳол –
Агар дўстинг хиёнат қилса.

Севган ёринг қилмаса вафо,
Борми бундан ортиқ бир жафо,
Ҳеч ким бўлмас дардингга даво –
Агар ёринг хиёнат қилса.

Осмонлар ҳам қолади ҳайрон,
Кўнгил куюб бўлади вайрон,
Кўзларингдан ёш оқар гирён –
Агар дўстинг хиёнат қилса.

Қайди қолди у шарму ҳаё,
Қайди қолди номус билан ор,
Ўйлайвериб бўласан бемор –
Агар ёринг хиёнат қилса.

Не савдолар тушмади бошга,
Кўлинг бормас сузилган ошга,
Арзимайди, кўз ёш тўкишга –
Яқинларинг хиёнат қилса.

ФАҚАТ МЕНГА ЯРАШАСАН

Париваш, нозланган сайин –
Юракка ўт қалашасан.
Узукка күз қўйғандайин –
Фақат менга ярашасан.

Ўзимнинг ёнимда турсанг,
Мехримдан қувониб кулсанг,
Ёлғизгина мени суйсанг –
Фақат менга ярашасан.

Ўзга боғда гуллар эмас,
Ўзга қизлар керак эмас.
Ёнимда ўзинг бўлсанг бас –
Фақат менга ярашасан.

Билмаганлар билиб қўйсин,
Бахт бошимиз силаб қўйсин,
Кўрган инсон ҳавас қиласин –
Фақат менга ярашасан.

ШАДДОД ҚИЗ

Мени сенга қаратдинг,
Дединг: «Яхши шоир сиз».
Сүнг ўзингга ўргатдинг –
Шаддод қиз.

Гаплашмайин кетмадинг,
Кўнглимда қолдирдинг из.
Буни қандай эпладинг,
Шаддод қиз?

Севибманми ё билмай,
Сен ягона, сен тенгсиз.
Кетма, дея севдирмай –
Шаддод қиз.

Турсам сен, ўтирсам сен,
Дилни зор этдинг, гул қиз.
Ишқингда мубталоман мен,
Шаддод қиз.

Балки хушрўй эмассан,
Бўйинг кичкина қундуз.
Ўзгасини демасман,
Шаддод қиз.

Икки оғиз гап билан,
Хушим оласан ҳануз.
Дилимдаги дард баланд,
Шаддод қиз.

Ҳаётимда ногаён –
Порлоқ нур сочди юлдуз.
Ҳаёлим сенда ҳамон,
Шаддод қиз.

ЎЗ УЙИМНИ СОФИНДИМ

Қай томонга йўл олдим,
Ҳар қадамда қоқилдим.
Ўзга юртда юриб мен –
Ўз уйимни софиндим.

Софиндим ўз юртимни,
Бутун ноним, тузимни,
Дардимни англадингми?
Остонамни софиндим.

Уйимизнинг дарчасин,
Онам ёпган кулчасин,
Ака-ука, барчасин –
Жигарларни софиндим.

Софиндим ўз кўчамни,
Куним, кундуз-кечамни,
Қайтмайманми, ҳечам мен?
Гулзоримни софиндим.

Отамнинг овозларин,
Мева тўла боғларин,
Баҳори ҳам ёзларин –
Ватанимни софиндим.

УЙГОНСИН

Уйгонсин ёр, хусни баҳор уйгонсин,
Богу гулзор ёр меҳрига чулғансин.
Аста очиб чашму қароқларини –
Уйгонсин ёр, хусни баҳор уйгонсин.
Лабин қимтиб ширин жилмайгани он,
Ул беозор гулу ҳурга садқа жон,
Сўзи шакар, пари-пайкар, хушзабон,
Уйгонсин ёр, дил беозор уйгонсин.
Қуёш чиқмай тонг саҳарда эрталаб,
Ёноқларин шаббодадай сийпалаб,
Уйғотайин хуморимни эркалаб –
Уйгонсин ёр, ишқимда зор уйгонсин.
Тушларида муҳаббат шаҳрин кезиб,
Ёлғиз мен-ла ишқнинг дарёсин сузиб,
Сочларини силасам, меҳрим сезиб –
Уйгонсин ёр, гулираъно уйгонсин.

МАКТУБ ҲАМ ЯРИМ ДИЙДОР

Келмайсиз-да, демангиз,
Ишқ ўтида куймангиз.
Мен ҳақимда ножӯя –
Хаёлларга бормангиз.
Менга қиласиз хумор,
Мактуб ҳам ярим дийдор.

Кўзларим уйқу билмас,
Ёдимдасиз ҳар нафас.
Лайлию Мажнун ҳолин –
Қилмайлик энди ҳавас.
Номалар ёздим такрор –
Мактуб ҳам ярим дийдор.

ЁЛГОНЧИДИР

Сезиб қолдим, Малакнинг
Сўзлари алдоқчидир.
Менга боққан кўзлари –
Ёлғонин сотмоқчидир.

Севгига берган қасам,
Сўзларини эсласам.
Мени деб ёнган санам –
Ўзгасин топмоқчидир.

Вайрон этиб ишқ уйин,
Чалиб айрилиқ куйин,
Ошигининг вужудин –
Оловга отмоқчидир.

Офтоби йўқ соядек,
Киндик узган доядек.
Юраги тош қоядек –
Минг йилга қотмоқчидир.

Сеҳр кетган кўзидан,
Меҳр ўчган дилидан.
Унинг бу қилиғидан –
Кўзим ёш тўкмоқчидир.

Куйлатиб дард қўшигин,
Кўнгил сири яширин.
Бир умр дил эшигин –
Мен учун ёпмоқчидир.

Мени суйған малакнинг –
Сўзлари алдоқчидир.
Унда нечук кўнглимга –
Умидлар ёқмоқчидир?!

АЙТОЛМАДИМ

Афсусда ўзимни койийман ҳар дам,
Илк севгимни ҳали унуголмадим.
Юрагимни ҳамон кемирап бир ғам,
Севганимга севишим айтолмадим.

Биз учун армонга айланган онлар,
Ёш ўрнида кўздан сачради қонлар.
Жуфтига етмайин қийналди жонлар –
Севганимга севишим айтолмадим.

У ҳам мени юрагидан севарди,
У ҳам менинг ҳажримда қон ютарди,
Муҳаббатим изҳорларин кутарди –
Севганимга севишим айтолмадим.

Муҳаббатнинг уйи бизга тор эди,
Тилим айланмасди, тилим лол эди,
Ёмғирли кечада имкон бор эди,
Севганимга севишим айтолмадим.

Йиллар ўтиб у мени унуглантир,
Юрагидан ишқ ғамин аритгандир.
Балки бу ишқ уни ҳам қаритгандир –
Севганимга севишим айтолмадим.

Йиллар ўтсаларда қалбинг қўмсаркан,
Армон юрагингни ғамга булғаркан,
Чин ошиқлар жаннатда туғиларкан –
Севганимга севишимни айтолмадим.

Мен билан қўшилиб ёмғир йиглайди,
Қалбимни армонли бир дард қийнайди.
Буни ҳатто аёлим ҳам билмайди,
Севганимга севишимни айтолмадим.

АЁЛ ХИЁНАТИ

Эрни эр қилар аёл, эрни шер қилар аёл,
Ерга уриб қадрини, қаро ер қилар аёл!
Хоҳиши айшу роҳат – эр уйдан чиққан соат –
Қаранг, қандай қиёмат, эрга қилар хиёнат...

СЕНИ СЕВМАС ШОИР БЎЛСАМ...

Сени севмас шоир бўлсам –
Шу унвонга ярашмасман.
Тилда севиб – дилдан севмас –
Инсон билан сўзлашмасман.

Буғдой тутган бошоғингни,
Шоли ўсган ботқоғингни,
Бир сиқимча тупроғингни –
Олтинларга алишмасман.

Қўлида соз, ёқимли сас,
Қалбларга уйғотмай ҳавас,
Сенинг мадҳингни куйламас –
Ҳофиз билан танишмасман.

Дилга ишқингни жойламай,
Мехримни сенга бойламай,
Келажагингни ўйламай –
Ўз бахтимга эришмасман.

Таърифингга ғазал битмай,
Фарзандлик бурчим унутмай,
Ўзингга жон фидо этмай –
Тупроғингга қоришмасман.

АНТИҚА ҲАЗИЛ

Ёқмаяпманми сенга –
Ё биш олиб кетайми?
Күнглимни ёриб сенга –
Түғрисини айтайми?
Мендан совиб боряпсан,
Танҳоликда қоляпсан,
Сомонсиз лой қоряпсан,
Түғрисини айтайми?
Шу дилгинам қўлингда,
Бахтимнинг ярми йўлда,
Кетаётган сен, дўл-да –
Түғрисини айтайми?
Овозинг титраяпти,
Юзларинг шумшайяпти,
Лабларинг қийшайяпти,
Түғрисини айтайми?
Қон босиминг ошмоқда,
Нафратинг ҳам тошмоқда,
Сени алам янчмоқда,
Түғрисини айтайми?
Эй гўзал, нозик қушча,
Орзунг мисли тушча,
Араздан юзинг фиштча,
Түғрисини айтайми?
Қалбингга тўлди ҳасрат,
Мен ҳам сендеқ бешафқат,
Қандай экан ҳақиқат –
Түғрисини айтайми?
Мен қадримга талашдим,
Дилни тошга алмашдим,
Ээээ, шошма! Ҳазиллашдим –
Түғрисини айтайми?!

БИР ЙИГИТ БИР ҚИЗ

Куз. Тун. Бир йигит бир қиз,
Учрашади севги боғида.
Йигит деди: айтайин бир сўз –
Аста ўпиди қиз ёноғидан.

«Кел, жонгинам, мен-ла қол,
Ичимдаги дардларимни ол.
То ишқингда ёнсин бу юрак –
Саҳаргача бўлайин бедор».

Тун. Куз. Бир йигит бир қиз,
Қиз: «бўлайин сенга ёр» деди.
Қиз чўмди хаёл ва айтди бир сўз,
Юрагимни, майли ол, деди.

Муҳаббатнинг бўлиб эркаси,
Ширин экан севги шеваси.
Бир оз фурсат ўтди-ю, мана –
Пайдо бўлди ишқнинг меваси.

Тун. Куз. Бир йигит бир қиз,
Орзулари ушалди, мана.
Ёдда тутиб у тунни ҳануз,
Бу кеч катта тўю тантана.

Ичиб ишқ шаробидан,
Севгининг гуноҳидан,
Қиз деди: «Дардинг олай», –
Бол томиб дудогидан.

БИР ҚАДАМ

Вафодор хиёнатга бормас жондан кечса ҳам,
Хиёнат унга олис, бевафога бир қадам.

Йўқчилик чин инсонга, қилча ҳам қилмас алам,
Каззоблик, тухматчилик риёкорга бир қадам.

Иймондан кечмас доно, иймони бутлигидан,
Яхшини қон қақшатмоқ бехудога бир қадам.

Қора зулматли кунлар бесабрга минг мотам,
Яхши ният яхши кун, бардошлига бир қадам.

Аҳли дўзах оловда – куйиб битаркан бадан,
Лек Оллоҳнинг жаннати мўъминларга бир қадам.

Бошга кулфат ёғилса, кулфатлар ҳам Худодан,
Сабру қаноат, чидам чин инсонга бир қадам.

БИТТА ҚИЗНИ СЕВИШДИ

Бир боғда икки булбул,
Бир гулга дил беришди.
Икки ақа-укалар –
Битта қизни севиши.

Аразлади уқадан,
Ука эса акадан,
Улар-ку бир жон-бир тан –
Битта қизни севиши.

Севги күзи күр ахир,
Ҳар ким ўзича ҳақдир,
Бу тасодиф ё тақдир –
Битта қизни севиши.

Оға-ини уйдан чиқиб,
Қизнинг ёнига етиб,
Қизга дилларин тутиб –
Унинг күнглини сўрашди.

Қизгина деди: йўқ-йўқ,
Севгига парвоим йўқ.
Ҳеч бирингда кўнглим йўқ,
Бу жавобдан гангиши.

Бир ўзлари қолишиб,
Аlam ўтда ёнишиб.
Аттанг қилиб қолишиб,
Қиздан қуруқ қолиши.

БОҒ ТОМОН ЎТИБ БОРАР

Боғ томон ўтиб борар,
У гўзал кимнинг ёри?!
Чўғ бўлиб ёнаётган –
Юзида дона холи.

Бунча ёқимли сўзи,
Ширмойдек кулча юзи.
Попукдек қошу кўзи –
Боқар шарму ҳаёли.

Қоматин қилар кўз-кўз,
Кўрганингда яйрар кўз.
Таърифига етмас сўз,
Парисифат жамоли.

Нозланиб борар эди,
Кўзлари ёнар эди.
Дилга ўт солар эди,
Юришлари наъмоли.

Кўчамииздан ўтарди,
Этаги ер ўпарди.
Дилни ёқиб кетарди –
Энди дил бедаволи.

Кўзим билан эркалаб,
Турадим унга қараб.
Ўтарди ҳар эрталаб,
Хусни гўзал, ороли.

БОҒДАГИ ҚИССА

Бир-бирларин севишар
Мұхаббатлари ошиб.
Күнгил сүздан сўйлашар
Ишқлари қалбдан тошиб.

Учрашув белгилашди,
Албатта, қиз боғида.
Шу кечада ўйнашди –
Мұхаббат қучоғида.

Юраклари дукиллар,
Бўсалар олиб лабдан.
Ўша сирли оқшомда –
Ошиб кетишди ҳаддан.

Ўзларига келгач сўнг,
Қизнинг кўнгли бузилди.
Ўша ойдин кечада –
Боғда гунча узулди.

Ишқ лаззатин қондирди,
Бесабргина ҳилол.
Очилмасдан узилди,
Бечора гунча увол.

ГУЛБАҲОР

Қалбда жўш урди баҳор,
Ўзингга битдим алёр,
Бу кеч сен деб тун бедор –
Гулбаҳор.

Бунча гўзал, қувноқсан,
Сен оловсан, чақмоқсан,
Сен гавҳарсан, мунчоқсан –
Гулбаҳор.

Сочлар товон талашар,
Ҳамма сенга қарашар,
Шаддотлигинг ярашар –
Гулбаҳор.

Сен ё пари, ё малак,
Хуснингдан бу жон ҳалак,
Сенга уйлансам керак,
Гулбаҳор.

Гул берсам оласанми,
Ишқим тан оласанми,
Уйлансам тегасанми,
Гулбаҳор?!

ФУРУР – СЕВГИМДАН УСТУН

«Мени кечирмайсизми», –
Дея сўрама ҳар кун.
Сен мени билмайсанми?
Фуур – севгимдан устун.

Дил қасридан кўчаман,
Ишқقا кафан бичаман,
Севгимдан ҳам кечаман –
Фуур – севгимдан устун.

Алдовинг билмабмидим,
Ёлғонинг тинглабмидим,
Мен сенга демабмидим –
Фуур – севгимдан устун?!

Сўзим оғир ботса ҳам,
Юрагим тош қотса ҳам,
Шавкат сенсиз ўтса ҳам –
Фуур – севгимдан устун.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Ўткир ҲОШИМОВнинг «Дунёниг ишлари»
қиссасига багишиланади.

Минг еримга пичоқ урса –
Бир еримдан қон чиқмасди.
Дўстлар таъна тошин отса –
Тошлари менга тегмасди.
Онам дуоси бор эди,
Оёғимга қил кирмасди.
Уйим мудом баҳор эди,
Бошгинамга ғам қўнмасди.
Энди ўша дуоларни –
Кимдан сўрайин, онажон.
Сизсиз «Дунёниг ишларин»,
Бошга урайми, онажон?!
Тақдир шам қоматим букса,
Сиздек суюнчим йўқ менинг.
Бахту омад кулиб боқса,
Дилда қувончим йўқ менинг.
Ҳар бир айтган сўзингизни,
Қўмсаб йифлайман, онажон.
Минг ахтарсам изингизни –
Топиб билмайман, онажон.
Куёш ботса, кўздан мудроқ –
Бир зумга ҳам аримайди.
Онаси бор, қўнгли қувноқ,
Икки дунё қаримайди.
Сиз фариштам эдингиз-ку,
Энди нетайин, онажон.
Мени ташлаб кетдингиз-ку,
Қандай чидайин, онажон?!
Укамга алла айтсангиз,
Мен эшитиб ухлар эдим.
Дардли аллангизни тинглаб,
Кўрпам четин тишлар эдим

Энди ўшал ўтган қунлар
Тушлар бўлдими, онажон.
Баҳоримда сизсиз кўнглим –
Қишлиар бўлдими, онажон?!

Онам дуоси бор эди...

ЁЗМАЙ ҚЎЙДИМ

Илҳом юзин бурдимикан,
Не бўлганин билмай қолдим.
Дилимдан дард кетдимикан,
Нега бугун ёзмай қўйдим?!

Хаста кўнгил, хаста бу дил,
Не бўлса ҳам бўлсин экан.
Қалбим сени қийнаса ҳам –
Юрак дардли бўлсин экан.

ЙИГИТМИЗ...

Ҳаётимиз чиройли мисоли эртак,
Бўйимиз келишган, мисли бир терак.
Ахир бизлар йигитмиз, йигитмиз, эркак –
Айтган сўзларимиз ерда қолмасин!
Йигитнинг ҳаётдан кўнгли қолмасин...

ЕТКАЗГАНИГА ШУКУР

Орттираман деб фойда,
Елдай елиб бефойда,
Ишладим турли жойда,
Етказганига шукур.

Тополмасман ҳеч жойда,
Қозон тўлсин деб мойда,
Соф бўлсам мен ҳам бой-да,
Етказганига шукур.

Изладим бахтнинг сирин,
Кетказиб қўлнинг кирин,
Ризқ берса, ҳаёт ширин,
Етказганига шукур.

Етиб фаҳму фаросат,
Йўғига қилиб тоқат,
Шукронга айлар Шавкат,
Етказганига шукур.

ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАННИ

Худо асло кечирмас –
Жонига қасд қилганни.
Жанозаси ўқилмас –
Жонига қасд қилганнинг.

Синовга беролмай дош,
Ёши улуф ёки ёш,
Яқинлари тўкар ёш,
Жонига қасд қилганнинг.

Тавбаси қабул бўлмас
Жаннатларга илинмас,
Ҳаттоқи гўр сифдирмас,
Жонига қасд қилганни.

Ташланади оловга,
Солинар ҳар балога,
Доди ўтмас Худога,
Жонига қасд қилганнинг.

Умид дунёси битар,
Аламли азоб кутар,
Раҳмат нури тарқ этар,
Жонига қасд қилганни.

Иймони бутун инсон,
Азобга қўймас танни.
Руҳи осмонда сарсон,
Жонига қасд қилганнинг.

ИККИ ҚИЗГА ДИЛ БЕРДИМ

*Сұрамайсиз ақволим нега,
Нималарни бошга солдим.
Эх дүстларим, бирданиға,
Икки қизни севиб қолдим.
(Ботир Эргашев)*

Боғдан атайды гул тердим,
Күнгил экан, не дердим.
Айбага буюрманг дүстлар,
Икки қизга дил бердим.

Ошиғига айлансанам,
Отабекдек сайлансанам,
Қай бирини танласам –
Икки қизга дил бердим?!

Бири ой, бири юлдуз,
Бири кун, бири кундуз,
Танлай олмадым ҳануз,
Икки қизга дил бердим.

Юрак урап беомон,
Үт ичида мен сарсон,
Онажоним ҳам ҳайрон,
Икки қизга дил бердим...

ИСМИНГИЗНИ БИЛМАДИМ

Исмингизни билмадим,
Күрдиму кетди хаёл.
Сўрашга журъат этдим,
Сўзим тутмангиз малол.

Кипригиз осмон ўпар,
Сочингиз эса товои.
Кўзингиз кимни кутар –
Боқасиз у ён, бу ён?!

Қайдан бунча латофат?
Сиз қизларнинг сараси,
Келишган қадду қомад –
Дилимда ишқ ноласи.

Қошингиз камон сифат,
Кўзингиз эса жайрон,
Юракни қийнаб нетгум –
Сизга етмоқ даргумон...

ҲАЁТ...

Осон эмас экан ҳаёт аслида,
Үрганмоқ урунсам, яшаш қийинроқ.
Не қилсан ҳам тақдиримнинг касрида –
Топганимдан йўқотганларим кўпроқ.

КЕЛМАДИНГИЗ

Яшамоқдан йўқдир наф,
Сўзлар айтсам ҳарфма-ҳарф,
Сиз бир томон, мен бир тараф –
Келмадингиз.

Пойингизга гуллар сочсам,
Севгим айтиб, дилим очсам,
Ишқим такрор изҳор этсам –
Кўнмадингиз.

Муҳаббат дарди бедаво,
Сизсиз менга йўқдай ҳаво,
Шу дардимга ҳам йўқ даво,
Келмадингиз.

Эшигингиз келиб қоқсам,
Шу жонимни ўтга ёқсам,
Бўйнимни сочизга оссам –
Кўнмадингиз.

Ёлғончи сўзга ишончни,
Вақтинча бўлган қувончни,
Алдандингиз, кўрмадизми?
Кўрмадингиз.

КЕЛСАНГИЗ

Сизнинг учун дунёлардан, мен кечардим, билсангиз,
Жоним тутиб, қўлингизга жон берардим, кулсангиз.
Кўнглимдаги ишқ гули, ҳар фаслим баҳор менинг –
Лолалар унган боғларим сайру чаман келсангиз.

Келсангиз туним кун, кошонам нурга тўлгай,
Мен бир ошиқ Сиз бир маъшуқ, Сиз билан баҳтим
кулгай.

Айтинг пари қадрингизни мендан бўлак ким билгай?
Ошиқ Шавкатнинг кўнглида йўқдир армон келсангиз.

Келишингиз бунча мушкул, кетишингиз осон-ей,
Нозларингиз жонга жафо, ситамлариз ёмон-ей.
Мажнунларнинг саҳросида бўлдим-ку мен тамом-ей,
Ташналиқдан қонар бу жон дарё бўлиб тўлсангиз.

Кўнгил бериб Сиз гўзалнинг ишқида ёнди юрак,
Сизни суйиб минг балога мубтало бўлди юрак.
Бунчалар ошиқ дилни қийнамоқдик не керак?
Кўнглим тоғдир бир бор менинг аҳволимни сўрсангиз.

КЕТГАНИЧА ЙҮҚ

Ҳамма айб ўзингда, ҳамма айб сенда,
Тағин яна юрасан, кўнгилгинанг тўқ.
Севгимни рад этиб, дилим оғритдинг –
Дардим ҳали дилимдан кетганича йўқ.

Билсанг агар мени армон қийнайди,
Юрагимга сенсиз қил ҳам сифмайди.
Шу қадар севибман сени ҳаттоқи –
Кўлим ҳали қўлингдан тутганича йўқ.

Кимгадир яхшиман, лек сенга ёмон,
Ишқ мени етаклар фақат сен томон.
Ўйлама, изҳорин қилмай қўйди деб,
Севгим ҳали юракдан ўчганича йўқ.

Умид бор эртамдан, яхши ният бор,
Эй, судув! Майлига бўлма менга ёр.
Бахтимни топарман бўлсам гар омон –
Бахтим қуши елкамдан учганича йўқ.

КҮЁВЖҮРАЛАР

Қора күйлак шимда, соchlарин тараб,
Сирли нигоҳ ила қизларга қараб,
Даврани кенг олиб, күёвни ўраб –
Түйни қиздиради күёвжўралар.

Дилда ҳавас, юракка ўт солишиб,
Гоҳ-гоҳида қиттай-қиттай олишиб,
Шўх ўйнашиб олов бўлиб ёнишиб –
Түйни қиздиради күёвжўралар.

Лочинлардек қанот ёзишиб учиб –
Уйлангани қўлдан узугин ечиб,
Раққоса қизларнинг белидан қучиб –
Түйни қиздиради күёвжўралар.

Бўйдоқлари ёлғизлигини англаб,
Ўзига мос гўзал қизларни танлаб,
Түйни ҳавас қилиб, диллари яйраб –
Түйни қиздиради күёвжўралар.

ҚАДРИ ЙҮҚ ЭКАН

Сойдан оққан сувнинг қадри йўқ экан,
Севганимнинг менда кўнгли йўқ экан.
Ҳаётимда наҳот маъно йўқ экан,
Севмаган юракнинг дарди йўқ экан.

Ул гўзланинг кўзларига қарадим,
Кипригим-ла соchlарини тарадим,
Ёр кўнглини беҳудага сўрадим,
Севганимнинг менда кўнгли йўқ экан.

Юрагим бетоқат, беомонман мен,
Ишқимни айтолмай безабонман мен,
Тилим ҳам музлаган, зимистонман мен,
Ҳаётимда наҳот маъно йўқ экан.

Дилга озор бермаса яхши эди,
Бир умр мени суйса кошки эди,
Аммо санам юраги тошли эди,
Севмаган юракнинг дарди йўқ экан.

ҚАДР ИСТАБ

Шеърлар айтиб томофим қириб
Қадр истаб қадрсиз қолдим.
Бирорларга қўлимни бериб –
Ўзим эса бармоқсиз қолдим...

ҚАДРИНГИЗГА ЕТМАДИМ

Сочиз силаб қўймадим,
Дийдоризга тўймадим.
Бир эркалаб қўймадим,
Қадрингизга етмадим.

Виждон азоб бермоқда,
Юрак урар титроқда,
Софинганим йироқда,
Қадрингизга етмадим.

Олса жоним майлига,
Келинг, ишқнинг сайлига,
Севмасангиз майлига,
Қадрингизга етмадим.

Чертиб юрак торини,
Битдим дилда борини,
Ўйлаб номус-орини,
Қадрингизга етмадим.

Этиб тентакнинг ишин,
Санчиб чаённинг нишин,
Худбинлик бўлди ишим,
Қадрингизга етмадим.

ҚАЙГА ШОШАДИ?

Озорлари қийноқлаб,
Жон-жонимга санчади
Қора қоши ўроқлаб –
Юрак бағрим янчади.

Хумор васли ўйимни,
Гул бадани қўйнимни,
Қора сочи бўйнимни –
Фижжак қилиб чалади.

Ёқимли кулгулари,
Меҳрсиз туйгулари,
Озорли қайгулари –
Дилгинамга санчади.

Гоҳида меҳри баланд,
Гоҳо кўнглингда алам,
Гоҳ юзин буриб санам –
Ишқ шаҳридан қочади.

Ҳусну кўрки, жамоли,
Ишқи дилга даволи,
Ул малакнинг хаёли –
Билмам, қайга шошади.

ЖУМБОҚНИНГ ЕЧИМИ

Қалбимга илиқдик, нур билан кириб
Севгин, деб буюрди Яратган эгам.
Ва севди юрагим зум ўтмай туриб,
Балки бу мукофот, ё синов экан?!

Севишни ўргана бошлади юрак,
Билмадим, бу йўлда мени не кутар?
Билганим шу бўлди, севишим керак –
Севдим, севилмадим, ҳаёт шу экан...

Кулбамга қамалиб узоқ ўйладим,
Гулларнинг севгиси дилни ер экан.
Вақтлар ўтган сайин шуни англадим –
Яратган гулнимас, «Мени сев» деган...

ҚАНИ КУЛИШЛАР?

Ошиғингни кўриб қолган замонинг,
Нозланиб-нозланиб лабни буришинг,
Яхшингдан ҳам кўпайди-ку ёмонинг,
Қани кулишлар?

Жонни ўтда ёқар ишваларинг бор,
Кўзни қувонтирас жилваларинг бор,
Қайда қолди кунда ўн бора, эй ёр –
Холим сўрашлар?

Сочларинг товоң ўпарлар, мажнунтол,
Мендан меҳринг йироқлашди, бу не ҳол?
Кўзларингни олиб қочма, эй ҳилол –
Қани қарашлар?

Билсанг агар дийдор жоннинг озиги,
Юракка қоқилди ҳижрон қозиги,
Кўзимни нам этди сўзларинг тифи –
Дилни эзишлар.

Ошиғингни кўриб қолган замонинг,
Жизиллаб қўярди юрагинг, жонинг,
Ростингдан ҳам кўпайди-ку ёлғонинг,
Ёлғон кулишлар.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Қиши. Совуқ. Учиб кетган турналар,
Бир ҳолатни күриб дилим тирналар.
Сайрга чиққандым, тошлоқ бағрида –
Бир дона қизғалдоқ бўй чўзиб унар.

Мени ўйга солди, шу бир дона гул,
У ҳам ёлғизлиқда тақдирига қул.
Лолалар гулзорда сўнгани қачон?
Бевақт бўйин чўзиб, очилиб унар.

Парвона бўлдим ман шу битта гулга,
Айлангим келди-да шу он булбулга.
Авайламоқ истаб совуқ кунлардан –
Ёввойи шамолу қорнинг дастидан.

Бепоён тошлоқни этибди макон,
Шамоллар қаддини букарди ҳар он.
Шу ернинг бағрида илдизин отиб –
Тошлоқзор бағрида унгани ёмон.

МЕХРИБОНИМ

Туним-ку қоронғу, лек күнгил ёруғ,
Фаслим қиши бўлса ҳам уйимда баҳор.
Осмонимда юлдуз порлаган ёғду,
Мехрибоним, сендеқ яна қайдада бор?!

Мен-ку тилаб олдим сени Худодан,
Менга парвонасан, тунларинг бедор.
Бахтим сўраб қўл кўтардим дуога,
Мехрибоним, сендеқ яна қайдада бор?!

Шу танамга жо этилган руҳ каби,
Яхши-ёмон кунда парвонамсан, ёр.
Сенсиз татимайди ҳаётнинг таъми,
Мехрибоним, сендеқ яна қайдада бор?!

Сен мендан-да бардошлироқ юраксан,
Мен эгилсам суяб турган тиргаксан.
Ҳаётимда ҳали сен кўп кераксан,
Мехрибоним, сендеқ яна қайдада бор?!

НЕЧУН ТАЪЗИМ ЭТМАЙИН?!

Аввало миллатинг ким деб сўрашса –
Кимлигимни тарих билан сўзлайн.
Ўзбекман, деб бошга дўппи қўндириса –
Шу инсонга нечун таъзим этмайин?!

Тупроғини кўзга суртган бармоғим,
Азал обод, азал буюк тупроғим,
Темурийдан қолган уруғ-аймоғим –
Шу заминга нечун таъзим этмайин?!

Қанча истеъдодни чиқарган элим,
Санъат севар, хунарманд, доно элим,
Таъзимдаман, мудом қўксимда қўлим –
Жон элимга нечун таъзим этмайин?!

Навоийлар, Улугбеклар, Бобурлар,
Беруний, Термизий, Бухорий бобом,
Ўзбек тарихида тенги йўқ дурлар,
Ул зотларга нечун таъзим этмайин?!

Абдулла Қаҳҳорга ҳайкал қўйдирган,
Миллий қадриятни қайта тиклаган,
Юртнинг боласини ўз болам деган –
Мард инсонга нечун таъзим этмайин.

ИККИ КИТОБ

Қўлимда икки китоб,
Бири Муҳаммад Юсуф.
Ўқиб шерик бўламан,
Шоир дардини ютиб.

Қўлимда икки китоб,
Бобур Бобомурод ҳам.
Бир-биридан зўр маъно,
Қанча ўқисам ҳам кам.

Бу китоблар мен учун,
Ҳам осмондир, ҳам қуёш.
Ёлғиз қолсам китоблар
Сўзлашшар, менга сирдош.

ОБОД ЭТОЛМАССАН...

Обод этолмассан ҳеч қайси юртни –
Ўз юртингни обод этмасдан туриб.
Ўзга юртда иморат қурмоқ нечук –
Ўз уйингни обод этмасдан туриб?!

ОЗ ҚОЛДИ

Ким севгимиз таъқиблаб –
Ишқимизга чанг солди?!
Худо бир асради-да.
Кимлар бизга күз солди?!

Сиз эдингиз фунча гул,
Куйизда эдим булбул.
Ҳаётиңгиздан бутқул –
Кетишимга оз қолди!

Суви қуриган күлда,
Асрларга teng йилда.
Аламли айро йүлда
Қолишимга оз қолди.

Тақдирнинг синовида,
Ҳижроннинг қийноғида.
Рашкимнинг оловида –
Ёнишимга оз қолди.

Қайтиб сизга етолмай –
Узуримни айтольмай.
Үзимни кечиролмай –
Куюшимга оз қолди.

СЕЗДИНГМИ?!

Қад күтәрәр фуруримиз тоғлари,
Нурамоқда меҳримиз деворлари,
Сездингми ё сезмадинг?!

Дардга қўйиб ошифингнинг танасин,
Дилга бериб аҳду паймон, қасамин,
Буздингми ё бузмадинг?!

Мендан йироқ бўлиб менинг қошимда,
Аччиқ-аччиқ кўзимдаги ёшимда,
Сездингми ё сезмадинг?!

Ишқимизнинг бўстонин этиб пайҳон,
Мен содданинг кўзига қараб ёлғон,
Туздингми ё тузмадинг?!

Ё унугиб муҳаббатнинг қудратин,
Кўкрагимга фуссаларнинг суратин,
Чиздингми ё чизмадинг?!

Шавкатнинг дилига қолдириб чандиқ,
Совуқ эсиб ёввойи шамол янглиф,
Тўздингми ё тўзмадинг?!

Оқибатда хусуматингдан толиб,
Бормоқдаман мен ҳам ўзингдан совиб,
Сездингми ё сезмадинг?!

Сезмаслик мумкин эмас...

СЕНИ ИЗЛАБ...

Тўлин ой томонга юзимни юзлаб,
Сени ойда кўриб, васлингни кўзлаб.
Мажнуннинг йўлидан бормоқдаман, ёр –
Сени излаб ёлғизим, васлингни излаб.

Янграйди овозинг хаёлда майин,
Софинчлар ёқмоқда мени кун сайин.
Ёмғиру қорларга парво этмайин –
Сени излаб чиқдим, изингни излаб.

Булутдан тўкилган ёмғирга ўхшаб,
Кўз ёшга тайрилиб, томогим қақшаб.
Кўнгли ишқда беватан, дарвешга ўхшаб –
Сени излаб келдим, изингни излаб.

Қалбда туғён туйгу – муҳаббат ширин,
Пинҳона севишган – ишқи яширин.
Ниятим: висолга эришсин ҳар ким –
Соф туйгуни кўзлаб, бахтини излаб.

СЕНСИЗ ЯШОЛМАСМАН

Бетакорим, ишқимда ёнган малак,
Сен истаган баҳтни бера олмасман.
Айрилиқни күттаролмай мен ҳалак,
Сенсиз жоним бир кун ҳам яшолмасман.

Кийдирса ҳам ҳижронлар бошимга тож,
Қабр қазиса, дард дилимга минг қулоч,
Нима қилай, тақдир экан на илож?!
Аммо сенсиз бир кун ҳам яшолмасман.

Мұхаббатга очғандым юрак түрим,
Азоблари экан-ку дилга күрим,
Энди қийноқдаман, қийналди дилим,
Сенсиз жоним бир кун ҳам яшолмасман.

Мунчоқ күзларинг-ла боқмагин менга,
Юрак эриб кетар, қарасам сенга,
Шу сабабдан қаролмайман юзингга,
Сенсиз жоним бир кун ҳам яшолмасман.

Күзларимни чўқтирдим дардли ғамга,
Юрагимни ўптирдим ғам-аламга,
Пешонамга босилди айри тамға,
Сенсиз жоним бир кун ҳам яшолмасман.

Билдим жоним сенга булар осонмас,
Умр давом этар, ҳаёт тамоммас,
Айрилиқдан Шавкат дили қувонмас,
Сенсиз жоним, бир қун ҳам яшолмасман.

СОФИНМАЙСАНМИ?

Олислаб кетсам сендан
Софинмайсанми?
Софинч мактубим ёзсам
Софинмайсанми?

Келмас бўлсам ҳач қачон,
Етиб кетсам бенишон.
Юрак тез уриб шу он –
Софинмайсанми?

Ишқсиз балони кўрсам,
Бахтсиз дунёни кўрсам.
Софинчларда жон берсам –
Софинмайсанми?

Ёлғиз бир ўзинг қолиб,
Софинчларда эзилиб,
Суратимга термулиб –
Софинмайсанми?

Ётларга кунинг қолса,
Номард қадринг билмаса.
Қисмат устингдан қулса –
Софинмайсанми?

Дил тутгандан гул олмай,
Ҳеч кимсани севолмай,
Ақдингга қулоқ солмай –
Софинмайсанми?

Сени алдаб қўйишса,
Ипсиз боғлаб қўйишса,
Шавкат ўлди дейишса,
Софинмайсанми?

ЯҚИНДИРМАН

Мени кутган дилбар – хүр пари,
Софинчларда сен кабидирман.
Сочларингни яширган ҳарир
Рўмолингдан ҳам яқиндирман.

Сен қуёшим – чарақлаб турган,
Сен кўзгуйим – ярақлаб турган.
Эгнингдаги ҳилпираб турган
Кўйлагингдан ҳам яқиндирман.

Ёстигини қучоқлаб ётган,
Софинч дарди ханжардек ботган.
Ва будутдек томчилар отган
Кўз ёшингдан ҳам яқиндирман.

Вафодорим, мени кутган гул,
Не қиласдик? Олисдир бу йўл.
Томогингни тагидаги ул,
Дона холингдан яқиндирман.

Ўксинмагил ва мени кутгили,
Софинч ҳақда мактубинг битгили.
Бедор тунда эзилган у дил –
Юрагингдан ҳам яқиндирман.

Софинчларда сен кабидирман...

СУВНИНГ ҚАДРИ – ТИНИҚДИГИДА

Қизнинг гўзаллиги, қизнинг фунчаси,
Уни асрай билсин ҳар бир қиз жувон.
Номусимиз бўлмасин нафснинг қули –
Ориятни сақдай билсин ҳар инсон.
Ҳар кимнинг тақдири унинг қўлида,
Сувнинг қадри – тиниқдигида.

Ҳар инсонда нафсни уйғотган оғу,
Шер тузоққа тушмас ақали оҳу,
Кўрдан бошқа кимса ичмас лойқа сув,
Сувнинг қадри – тиниқдигида.

Нозик танга тикан чўр бўлиб ботар,
Булок суви ташнага нафс уйғотар,
Балчиқланган номус кимга хуш ёқар?!
Сувнинг қадри – тиниқдигида.

Бир йигитга ҳалолдир бир бокира,
Қизми, аёл, бўлса агар покиза,
Дейишади: «Аёл зоти ожиза»,
Сувнинг қадри – тиниқдигида.

Қизнинг гўзаллиги, қизнинг фунчаси,
Уни асрай билсин ҳар бир қиз жувон.
Номус асло бўлмасин нафснинг қули,
Ориятни сақдай билсин ҳар инсон.
Сувнинг қадри – тиниқдигида...

ТҮЙЛАР БҮЛСИН

Түйлар қилинг, ўйнаб кулинг,
Ховли, уй-жойлар қуринг.
Бухорога қиз узатиб –
Бухородан куёв қилинг.

Қора сочли, қизлари гул,
Кокили ўрама сумбул.
Хур пари, тенгсиз ҳусндири –
Бухородан қиз олинг.

Ризқи бутун, ҳалол меҳнат,
Ҳар дам меҳмонга сериззат.
Қайниларин қиласар ҳурмат –
Бухорога қиз узатинг.

Сув парилардек ҳуснли,
Қадди қомат, хуш жисмли.
Тўй ўтар расму русумли –
Бухородан қиз олинг.

Олинг қуда, беринг қуда,
Қора чойдан сузинг қуда...
Бизлар билан бўлинг қуда –
Бухорога қиз узатинг.

Тўйлар қилинг, ўйнаб-кулинг,
Яна бир бор ўйлаб кўринг.
Бухорога қиз узатиб –
Бухородан куёв қилинг.

ТУШИМГА ҲАМ

Ишқи бўлди ташвишим –
Сендек ҳеч ким кулмаган.
Сени севиб қолишим –
Тушимга ҳам кирмаган.

Кўшнимнинг эрка қизи,
Юзлари ой, қирмизи,
Ухлаб тун ё кундузи –
Тушимга ҳам кирмаган.

Тошдай ботар болишим,
Сенга етмас нолишим,
Сени дея ёнишим –
Тушимга ҳам кирмаган.

Эдик ака-сингилдай,
Ёшлик ҳам ўтди селдай,
Сезмай қолибман қандай,
Тушимга ҳам кирмаган.

Бечора дил не қилсин?
Дилнинг кўргани курсин,
Аввал тушимга кирсин!..
Тушимга ҳам кирмаган.

ШОИР БОЛА...

Халқ кўнглидан жой олмоқни истасанг шоир бола –
Камтар кийин, кўпроқ бўл, халқ дардига овора!

ҲАЙРОН ҚОЛАСАН КИШИ

Сени билмай туриб сенга қўл чўзган
Ёт инсонга ҳайрон қоласан киши.
Кўмак сўраб борсанг, маслаҳат берган –
Яқинингга ҳайрон қоласан киши...

ШЕЪРИЯТ...

Шеърият бу – маржондир,
Уни термоқ осонмас.
Санъат кураш майдондир,
Голиб бўлмоқ осонмас.

ШИФО ЭТ

Эшит ҳоли арзимни –
Раҳим айла, илтифот эт.
Юракдаги дардимни –
Ишқинг ила шифо эт.

Эй пари, бўлиқ сийна!
Майлига, мени қийна,
Фақат бағримда ўйна –
Не этсанг ҳам шу тоб эт.

Кўзларимда сийратинг,
Дил қўримда суратинг,
Менинг билан қисматинг –
Достон айла, китоб эт.

Ошифта ҳолинг сўйла,
Ишқнинг қўшигин куйла,
Минг бир кечадан сўйла –
Муҳаббатдан хитоб эт.

ЯШАШ КЕРАК...

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас

Муҳаммад ЮСУФ

Дарё суви тошса ўзандан –
Сузиш керак, чўкиш шарт эмас.
Тор бўлса ҳам сув ариқларда –
Оқишиш керак, тўлиш шарт эмас.

Кўнгиллар узилган фурсатдан,
Бошларга ёғилган кулфатдан.
Сен ҳеч қачон кутмаган баҳтдан –
Кулиш керак, йиғлаш шарт эмас.

Фироқларнинг келмай саҳари,
Ёришмасдан қуёш зарҳали.
Хом сувалган девор сингари –
Нураш керак, қулаш шарт эмас.

Оқиб ишқнинг ирмоқларида,
Уланмай дард қиргоқларига.
Софинчларнинг ботқоқларида –
Ивиш керак, ботиш шарт эмас.

Инсон ўтмас саҳрова йўлдай,
Минг йил аввал қуриган кўлдай.
Бирор учун узилган гулдай –
Сўлиш керак, ўлиш шарт эмас.

Севилиб, севгингга эришмай,
Хаста дилдан ҳол сўрашмай.
Дарди ҳижрон ила келишмай –
Яшаш керак, севиш шарт эмас...

ЖОН БЕРМАСАНГ...

*Тоққа чиқмасанг, дўлона қайдада?
Жон бермасанг, жонона қайдада?
(Халқ мақолидан)*

Бўйин чўзид нозик навниҳол,
Фунча очса, булбул шу жойда.
Кўнгил бериб ёнишинг бекор –
Жон бермасанг, жонона қайдада?

Ёрни дея гуллар узганинг,
Мажнун бўлиб саҳро кезганинг.
Ёт бўлар, кўз очиб кўрганинг...
Жон бермасанг, жонона қайдада?

Бағринг очиб, қалбинг очмасанг,
Софинчли туйфуни қучмасанг.
Жоним, дея жондан кечмасанг –
Жон бермасанг жонона қайдада?

Шайдойингиз кўпдир, эҳтимол,
Бир ошиққа бир маъшуқ ҳалол.
Шавкат сўзин тутмангиз малол –
Жон бермасанг, жонона қайдада?!

ЯНГИ БАХТИНГ...

Чимилдиқقا қўйдинг сен қадам,
Бу изларинг муборак бўлсин!
Энди мендан бегона санам –
Янги баҳтинг чинакам бўлсин!

Ҳаёли бўл, чин меҳрли бўл,
Ёр уйида тўлин ойдек тўл,
Ўз ёрингга вафоли ёр бўл –
Янги баҳтинг муборак бўлсин!

Юракни ҳеч овутолмайман,
Дилни сендан совутолмайман,
Сенга фақат оқ йўл тилайман,
Янги баҳтинг муборак бўлсин!

Бағримдан отилди ўкинчим,
Достонга айланди соғинчим,
Яратгандан шудир ўтинчим,
Янги баҳтинг муборак бўлсин!

Ўтиб кетар ғам, алам, гурбат,
Ўтиб кетар юракдаги дард.
Ўз баҳтимни топгайман албат,
Янги баҳтинг муборак бўлсин

Янги баҳтинг муборак бўлсин!..

АЗИЗАМ...

Сиз ҳеч мени суйғанмисиз, азизам!
Туйғанмисиз ишқнинг ажиб түйгусини?
Бир кунингиз минг йиллик дамга ариб
Чекканмисиз соғинчларнинг қайғусини?

Ошиқдарга гувоҳ ойга термулиб,
Соғинч ичра беҳол хўрсиниб қўйиб,
Ишқ юракка сингиб кетгудек бўлиб,
Сизни шунчалар севибман, азизам!

Икки қалбнинг ишққа тўла жилвасин,
Биринчи бўсанинг тотли мазасин,
Ёлғизликнинг вайрон этиб кулбасин,
Сиз ҳеч мени суйғанмисиз, азизам?

Кун ёритган шафақдек барқ уриб,
Нигоҳимда суратингиз чарх уриб,
Муҳаббат денгизида аё фарқ бўлиб,
Сизни шунчалар севибман, азизам!

Ишқ бизни чорласа, ел каби елиб,
Соғинч ёшларимни лаб билан териб,
Бўса улашганда шам каби эриб,
Сиз ҳеч мени суйғанмисиз, азизам?

Биринчи бор қўлингизни тутганда,
Вужуд титраб инжу сўзни айтганда,
Лабингизни лабим эркалаганда,
Сизни шунчалар севибман, азизам!

Сиз ҳеч мени суйғанмисиз, азизам?..

БИРИНЧИ ЁЗГАН ШЕҮРİM

Севги ўзи аслида –
Инсон учун яралган.
Юракларнинг тубидан –
Синов учун яралган.

Сабр дея аталган
Бир ном учун яралган.
Марвариддек дур маржон –
Кўз ёш учун яралган.

Севги ўзи аслида –
Иймон учун яралган.
Одам билан Ҳаводан –
Мерос учун яралган.

Юракларни забот этган –
Макон учун яралган.
Икки қалблар макони –
Висол учун яралган.

Севги ўзи аслида –
Ҳар жон учун яралган.
Юракларнинг тубидан –
Иймон учун яралган...

ЕЛПИФИЧЛИ ЖОНОНА

Куйдирги қиз келарди,
Жилға мисоли оқиб.
Юзини беркитарди,
Елпифич билан ёпиб.

Оймоманинг қизими?
Исмини билгим келди.
Лўппи-лўппи юзини,
Бир бора кўргим келди.

Санамнинг елпифичи,
Шамолда учеб кетди.
Кўриндию қулгичи,
Хаёлим учеб кетди...

Куйдурғи қиз ўтарди,
Жилға мисоли оқиб.
Айтинг, нима бўларди,
Жилмайса менга боқиб?

Мендан юзин бурмаса,
Ёнида юрсам дейман.
Малакни ҳеч бўлмаса,
Тушимда кўрсам дейман...

АХТАРДИМ

Ҳаёт сочнинг қорасини юлганда,
Кўзим хира тортиб кўнглим тўлганда,
Баҳоримни ахтардим, топа олмадим.

Баҳор ўтиб қумуш қишим келганда,
Дард танамни нимта-нимта қилганда,
Сиҳатимни ахтардим, топа олмадим.

Армон бўлиб орзуладар юрагимда –
Отам эккан дараҳтим қуриганда,
Ниҳолимни ахтардим, топа олмадим.

Эркалатиб боламнинг боласини,
Жонга малҳам – онамнинг алласини –
Хонишини ахтардим, топа олмадим.

Кексалик рангига бўялганимда,
Бемадор ҳассага суюнганимда,
Мадоримни ахтардим, топа олмадим.

Тоғу тошдан жилгадек оқиб кетган –
Гоҳи қувонч, гоҳи аламда ўтган,
Йилларимни ахтардим, топа олмадим.

Ажал келиб оёғимдан тортганда –
Гуноҳларим бўйнимга юқ ортганда,
Иймонимни ахтардим, топа олмадим.

ЙИГЛАГИМ КЕЛДИ

Холим хароб, дилим тўла ғам,
Фамларимни аритгим келди.
Юрагимни бўшатиб шу дам,
Тўйиб-тўйиб йиглагим келди.

Суйганимга этиб мени ёт,
Қийнамасанг-чи мени, ҳаёт!
Қичқиргим келади, солиб дод,
Тўйиб-тўйиб йиглагим келди.

Кўз ёш бирлан оқди тилагим,
Сохта гулга келмас қарагим.
Сенга раҳмим келар, юрагим –
Тўйиб-тўйиб йиглагим келди.

Тўрт девор ичидা, хонада,
Кўз ёшимни тўкиб панада.
Ҳайқириб-ҳайқириб янада –
Тўйиб-тўйиб йиглагим келди.

Айрилиқ, ситамлар менгадир,
Бу синовлар мени енгадир.
Билмайман, билмадим, негадир –
Тўйиб-тўйиб йиглагим келди.

ЮР, КЕТАМИЗ

Не қиламиз, қалбни титратиб,
Улгурامиз ғамни енгмоққа.
Биздан кечганларни унутиб,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

Ишқисиз кесак бедаволардан,
Эзилди-ку дил жафолардан,
Кел, кечайлик бевафолардан,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

Бахтлимиз, деб қулиб юрамиз,
Олислардан қараб турамиз,
Ва уларнинг ҳолин кўрамиз,
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

Яшаймиз унутиб дилдагин,
Кўнгилни солмаймиз қийноққа.
Биз энди қайтмаймиз! Юрагим –
Юр, кетамиз! Узоқ-узоққа.

ҚУЁШГА ИНТИҚҚАН...

...Қуёшга интиққан қуёшни кутар,
Баским кутиш онин қилмайди канда.
Юлдузларни дейсан, тағин ой дейсан –
Мен нима ғамдаман, сен нима ғамда?!

ҚИЗҒАНДИМ...

Гуноҳимдир ҳар қилган корим,
Ёнсам фақат ишқингда ёндим.
Ўзинг эдинг менинг баҳорим,
Сени баҳорлардан қизғандим.

Ишқинг буткул хаёлим тутган,
Сени ҳар дам кучарди ёдим.
Тунда юзингни силаб ўтган,
Сени шамоллардан қизғандим.

Само узра чизигин тортган,
Учар юлдузлардан ҳам тондим.
Кўзлар қисиб бизларга боққан,
Сени Зуҳролардан қизғандим.

Кўкрагимда шу юрак борки,
Тилда исминг айтиб овундим.
Замон, замин, фалак, ҳаттоқи,
Сени ўзимдан ҳам қизғандим.

МУНДАРИЖА

Ўзлик – адабиёт мезони	3
Ўзбекистон	5
Бухорони кўрмокъза келинг	6
Менга имкон бер ҳаёт	7
Ўзбек боласиман	8
Ўзбекнинг	9
Болажон	10
Насиб этсин	11
«Киприкларни қоқиб, мастона боқиб...»	12
Ёлғиз ўғил бўлиб	13
Бу дунё	14
Ака-укалар	15
Яхшироқ	16
Акам	17
Рамазон	18
Сиздан ўргандим, ота	18
Болалар уйида	20
Умид	21
«Осмонга умид-ла тикилган нигоҳ...»	22
Умидсиз эмасман	23
Эй дўст	24
Яхшилик қиласин	26
Бир ёмоннинг бир яхшиси	27
Болалигим	28
Дўстлар, саломатмисиз?	29
Онажоним юраги	30
Отам	31
Отамни асрса, Худо!	32
Саломинг бўлсин	33
Устозларим	34
Фарзандларим	35
Беҳаё билган эмас	36

Ўғлини кутган она	37
Ақа-укалар ҳақида	38
Баъзи бирорларнинг	39
Буни ҳаёт дерлар	39
Яшаш қанчалар яхши	40
Икки нарсанинг қадри	40
Қадрли	41
Оқибат бормикан?	42
Онажон	43
Сев юрагим	44
Ё сен тушсан	45
Хотира ширин	46
«Севаман деган эдим...»	47
Дардларим	48
«Дунё – азал ғамгин дунё...»	49
Хайр, бўйдоқлик	50
Баҳор ҳавоси	51
Йиллар унутдилар	52
Юр, кетамиз	53
Шунчаки севмаганман	54
Кўришгунча, хайр энди	55
Жанлими?	56
Бармоқлар	57
Уйғонгим келмас	58
Тушларимга кирасиз	59
Нега энди келдинг?	60
Кўз ёшим қуриб борар	61
Кўринмайсиз	62
Кокилинг	63
Зухрохонни	64
Гарчи имкон	65
Боғча опамни	66
Безорман	67
Аста-аста	68
Нетай	69
Гулжамол	70
Гулираъно	71
Дилдор	72
Ичимга	73

Кўрдим	74
Мендан кечганинг алам	75
Ошиқ эдик биз	76
Нечун Сен эшитмадинг?!	77
Севишингни айт!	78
Секин-секин	79
Сиз яххисиз, биз ёмон	80
Софиндим	81
Тошканли	82
Ўзбегимнинг ҳур аёли	83
Хуш келдинг	84
Шунгами шунча?!	85
Фаргоналик	86
Фарғонанинг йўллари	87
Ширин-ширин	88
Шикоят бор	89
Эртагача	90
Янгаларни йиғиб қошингга	91
Анор	92
Бардош	92
Гулгина	93
Дастингдан	94
Ёз	95
Баҳор	96
Қыш	97
Куз	98
Гаплашгим йўқ	98
Кабутар	99
Келади	100
Кулма энди	101
Юрагим	101
Кўнглим	102
Кўришайлик	103
Нодирабегим	103
Севармидинг	104
Севмасангиз алдаманг	105
Қолдими ишқ сўроги?	106
Сенга нима?	106
Уч дугона	107

Аёл күнгли	108
Айтгин, дилингда не бор?!	108
Айтинглар	109
Янги йил	109
Келмадингиз, мен бормадим	110
Ўзинг мени ухлатсанг	111
Тўйда учрашиб	112
Бухорода ёрим йифлайди	113
Юлдуз	114
Хиёнат	115
Фақат менга ярашасан	116
Шаддод қиз	117
Ўз уйимни соғиндим	118
Уйғонсин	119
Мактуб ҳам ярим дийдор	119
Ёлғончиидир	120
Айтолмадим	121
Аёл хиёнати	122
Сени севмас шоир бўлсам	122
Антиқа ҳазил	123
Бир йигит бир қиз	124
Бир қадам	125
Битта қизни севишиди	126
Боғ томон ўтиб борар	127
Боғдаги қисса	128
Гулбаҳор	129
Фуур – севгимдан устун	130
Дунёнинг ишлари	131
Ёзмай қўйдим	132
Йигитмиз	132
Етказганига шукур	133
Жонига қасд қилганни	134
Икки қизга дил бердим	135
Исмингизни билмадим	136
Ҳаёт	136
Келмадингиз	137
Келсангиз	138
Кетганича йўқ	139
Куёвжўралар	140

Қадри йўқ экан	141
Қадр истаб	141
Қадрингизга етмадим	142
Қайга шошади?	143
Жумбоқңинг ечими	144
Қани кулишлар?	145
Қизғалдоқ	146
Мехрибоним	147
Нечун таъзим этмайин?!	148
Икки китоб	149
Обод этолмассан	149
Оз қолди	150
Сездингми?!	151
Сени излаб	152
Сенсиз яшолмасман	153
Софинмайсанми?!	154
Яқиндирман	155
Сувнинг қадри – тиниқлигига	156
Тўйлар бўлсин	157
Тушимга ҳам	158
Шоир бола	158
Ҳайрон қоласан киши	159
Шеърият	159
Шифо эт	159
Яшаш керак	160
Жон бермасанг	161
Янги бахтинг	162
Азизам	163
Биринчи ёзган шеърим	164
Елпигичли жонона	165
Ахтардим	166
Йиғлагим келди	167
Юр кетамиз	168
Куёшга интиққан	168
Қизғандим	169

Адабий-бадиий нашр

ШАВКАТ ЖҮРӘБЕК

ИККИМИЗДАН ҚОЛГАН ХОТИРА

Мұхаррір
Мағмұра ҚҰТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір
Хусан МЕХМОНОВ

Мусаҳҳих
Суннат МУСАМЕДОВ

Компьютерда сақиfalовчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 28.04.2014 й.да рухсат этилди. Битими 84x108 1\32.
Босма тобоги 5,5. Шартли босма тобоги 9,24.
Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 1500 нусха. Буюртма № 49.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрландиган ва чоп этилди.
Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол қўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.yangiasr.uz
e-mail: yangiasravlod@mail.ru